БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

42-ЙИЛ ЧИҚИШИ № 15 (11.461). | 19 январь, сешанба, 1960 йил. | Баҳоси 20 тийин.

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ТАШҚИ СИЕСАТИ ИЖТИМОИЙ СИСТЕМАЛАРИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН ДАВЛАТЛАРНИНГ ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШИ ТЎҒРИСИДАГИ ЛЕНИНЧА ПРИНЦИПГА АСОСЛАНАДИ. СОВЕТ ДАВЛАТИ ЎЗИ ВУЖУДГА КЕЛГАН БИРИНЧИ КУНЛАРДАН БОШЛАБ ШУ ПРИНЦИПГА АМАЛ ҚИЛИБ, ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШГА ИЗЧИЛЛИК БИЛАН ВА ЗЎР БЕРИБ ҲАРАКАТ ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА. ЕППАСИГА ВА БАТАМОМ ҚУРОЛСИЗЛАНИШ МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИКНИ ВА ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ДЎСТЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲАМДА ИНСОНИЯТНИ ҚОНЛИ УРУШЛАРНИНГ ОФАТЛАРИДАН АБАДИЙ ҚУТҚАРИШНИНГ ЭНГ УМИДЛИ ВА ИШОНЧЛИ ВОСИТАСИДИР.

(СССР Қуролли Кучларини яна анча қисқартириш тўғрисидаги Қонундан).

## ТИНЧЛИККА ҲАММА МУШТОҚ

Куни-кеча улуғ Ватанимизнинг пойтахти — Москвада СССР Олий Советининг сессияси бўлиб ўтди. Совет давлати тарихига ёрқин, унутилмас саҳифа бўлиб кирган бу сессияда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «Қуролсизланиш — тинчликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасида дўстликни таъминлаш йўлидир» деган ажойиб доклади тингланиб, муҳокама қилинди. Сессия Совет ҳукумати бошлиғининг ер юзидаги миллионмиллион кишилар манфаатига таллуқли бўлиб, уларнинг қалбини ҳаяжонлантирган тарихий доклади юзасидан СССР Қуролли Кучларини яна кўп миқдорда қисқартириш тўғрисида Қонун ва жаҳондаги ҳамма давлатларнинг парламентларига ҳамда ҳукуматларига қарата Мурожаат қабул қилди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг бутун инсоният ва барча қитъалар диққат-эътиборини кенг жалб этаётган докладида порлоқ келажак—коммунизм қураётган совет халқининг оламшумул-тарихий ғалабалари, партия ва ҳукуматимиз изчиллик билан қатъий туриб амалга ошираётган ленинча тинч-тотув яшаш ташқи сиёсати атрофлича чуқур акс эттирилган.

Ўз моҳияти билан тинчликсевар давлат бўлган ва барпо бўлган кунидан бошлаб байроғида «Тинчлик», «Дўстлик» деган муқаддас лавҳалар порлаб турган Совет давлати социализм мамлакатлари билан капиталистик дунё ўртасидаги халқаро вазиятни яхшилаш, тинч-тотув яшаш принципи асосида икки система ўртасида иқтисодий мусобақа олиб бориш ва «совуқ уруш» деган сўзни инсоният жамияти ҳаётидан суриб чиқаришдек энг инсонпарварлик сиёсати тантанаси учун курашмоқда.

Коммунизм қуришда совет халқи эришаётган улуғ ғалабалар Ватанимиз қудратининг мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнаётганлиги, қудратли социалистик лагернинг юксалиб бораётганлиги халқаро вазиятда тубдан ўзгаришлар юз беришига олиб келди ва бу вазиятга тобора кўпроқ таъсир этмоқда. Яъни халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшата бошлади, инсониятга офат келтирувчи «совуқ уруш» тарафдорлари ва илҳомчилари мағлубиятга учрамоқдалар, уруш хавфининг қора булутлари тарқала бошлади.

Совет Иттифоқи инсониятнинг ҳеч қандай хавф-хатарсиз бахт-саодатли яшашининг тарафдоридир. Шунинг учун ҳам у атом ва водород бомбалари сингари қирғин қуроллари ишлаб чиқариш авж олиб кетган ҳозирги шароитда ёппасига ҳамда батамом қуролсизланиш масаласини қўймоқда. Ёппасига ва батамом қуролсизланиш мустаҳкам тинчликни ва халқлар ўртасида дўстликни таъминлашнинг ҳамда инсониятни қонли урушнинг асоратларидан абадий қутқаришнинг энг умидли, энг ишончли воситасидир. Бу идеяни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзолари бўлган давлатлар якдиллик билан маъқулладилар. Лекин ҳозирча тинчликни таъминлаш ҳамда ёппасига ва батамом қуролсизланиш юзасидан бир битимга келинмаган бўлсада, инсоният манфаатига мос келадиган ана шу битимга келмоқ учун энг қулай шароит вужудга келтириш ишига янги ҳисса қўшишни истаб, СССР Олий Совети **СССР Қуролли Кучларини яна учдан бир қисм миқдорида, яъни 1.200 минг кишига қисқартириш** ҳақида Қонун қабул қилди.

Янги совет Қонуни — бутун дунё аҳамиятига эга бўлган тинчликсеварлик ва инсонпарварликка асосланган доно актдир. Совет Иттифоқи иқтисодий жиҳатлан ва бюджет соҳасида заиф бўлганлиги учун қуролли кучларни қисқартириш чорасини амалга ошираётгани йўқ, балки кучларимиз ва қудратимиз ортганлигидан ҳамда халқимизнинг тинчликсеварлик интилишларига амал қилиб шундай қилмоқда.

**Ҳозирги вақтда,**—дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев сессияда қилган докладида, — **қуролли кучларимизни қисқартиришни таклиф этиш билан биз нимага асосланмоқдамиз? Биз илғор дунёқарашимизга хос бўлган ва бутун социалистик жамиятимиз ҳаётининг томир-томирига сингиб кетган юксак инсонпарварлик идеяларига асосланмоқдамиз. Биз бу масалага зўравонлик позициясидан эмас, балки ақл-идрок позициясидан ёндошмоқдамиз.**

Сессия қарорларини совет халқи зўр шоду-хуррамлик билан маъқуллаб, Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитетига чексиз миннатдорлик билдирмоқда. Совет халқининг кўпмиллатли аҳил қардош оиласида чинакам бахтга эришиб, тинчлик ва тараққиётнинг юксак идеяларини рўёбга чиқариш нияти билан яшаётган Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам сессия қарорларини якдиллик билан маъқулламоқдалар.

— СССР Олий Совети қабул қилган Қонун, — дейди машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бакир Ражабов, — ҳаммамизнинг тилагимизни ифода этди. Инсон урушни эмас, қуришни ўйлайдиган бўлиши, бутун куч-қувватини, ақл-идрокини халқлар фаровонлиги учун сарфлаши керак.

Оддий ишчи Иброҳим Сотиболдиев ғурур билан бундай дейди:

— Совет Иттифоқи етти йилликнинг биринчи йилида тағин ҳам кўпроқ қудратли бўлиб қолганлиги бизнинг қалбларимизни фахрланиш туйғуси билан тўлдирмоқда. Армиямизнинг яна 1 миллион 200 минг киши миқдорида камайтириши давлатимиз куч-қудратининг ёрқин ифодаси бўлади. Етти йиллик қурилишларида ишлар жуда кўп. Армия сафидан бўшаб келганларни қовмқариндошларимиз каби кутиб оламиз.

СССР Олий Совети Совет Иттифоқининг бир ўзи ўз қуролли кучларини яна қисқартирганлиги бошқа давлатларга, айниқса энг кўп ҳарбий қувватга эга бўлган давлатларга ибрат бўлади деб умид билдириб, уларнинг парламентлари ва ҳукуматларига мурожаат этди. Мурожаатда мавжуд қуролли кучларни қисқартириш, ўз мамлакатларининг халқларини қуролланиш юкидан халос қилиш, инсониятни уруш даҳшатларидан қутқариш ва бутун дунёда тинчликни таъминлаш йўлида амалий чоралар кўришга чақирилган.

Социалистик лагердаги мамлакатларнинг барча халқлари ва тинчликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлган кишилар СССРнинг тинч-тотув яшашга асосланган ташқи сиёсатини чин юракдан табриклаб, совет Қонуни бутун дунёда барқарор тинчлик ўрнатиш учун очиб берилган дадил йўлдир деб юксак баҳо бермоқдалар. Ҳатто «совуқ уруш»нинг энг ашаддий тарафдорлари ҳам бу тадбирга тан бермоқдалар.

Тинчликнинг буюк жарчиси бўлган Совет Иттифоқи халқлари зўр ишонч билан коммунизм қурмоқдалар. Бу янги жамият йўли озодлик, тенглик, мўл-кўлчилик йўлидир. Тарихий тараққиётнинг қонуни бу гўлибона қадамни тўхтатиш мумкин эмаслигини тўла тақозо этади.

Совет Иттифоқи коммунистик жамият йўлидан оғишмай бориб, бундан буён ҳам халқлар ўртасидаги тинчликдан иборат улуғ ишни қатъият билан ҳимоя қилади.

## ЭЙЗЕНХАУЭР СОВЕТ ИТТИФОҚИГА КЕЛАДИ

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев Қўшма Штатлар президентини ўзига қулай бўлган вақтда Совет Иттифоқига расмий визит билан келишга таклиф этганлиги тўғрисида бундан илгари хабар берилган эди. Президент Эйзенхауэр Н. С. Хрушчевнинг таклифини мамнуният билан қабул қилди.

Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев билан президент Эйзенхауэр ўртасида шундан кейинги шахсий ёзишувлар натижасида президент Совет Иттифоқида 1960 йил 10 июндан 19 июнгача меҳмон бўлади, деб келишилди.

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ XIV КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети маълум қиладики, Тошкент шаҳар партия XIV конференцияси 1960 йилнинг 21 январида, эрталаб соат 10 да Навоий номидаги театр биносида очилади.

КПСС МК ДЕКАБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

# БУТУН КУЧ ВА ИМКОНИЯТ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШГА ҚАРАТИЛСИН!

**Республикамиз 1959 қишлоқ хўжалик йилини катта муваффақиятлар билан якунлади. КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахтачиликда эришган ютуқларига катта баҳо берилди. Шу билан бирга Пленум деҳқончилик маданиятини янада юксалтириш, қишлоқ хўжалик ишларини, биринчи навбатда пахтачиликни комплекс механизациялаш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш юзасидан муҳим тадбирлар белгилади.**

**Республикамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари Пленум қарорларини кенг муҳокама қилиб, етти йилликнинг иккинчи йил вазифаларини бажариш тадбирларини кўрмоқдалар. Газетамизнинг 17 январь сонида Ўзбекистон ССР колхозчилари, совхоз ва РТС ишчилари, мутахассислари, барча қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимларининг 1960 йил учун олган мажбуриятлари эълон қилинди. Бу мажбуриятда етти йилликнинг иккинчи йилида камида 3 миллион 170 минг тонна пахта етиштириш, гўшт етиштиришни икки баравар ошириш, давлатга сут сотишни ўтган йилга нисбатан бир ярим баравар кўпайтириш, 1 миллион 570 минг тонна сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш асосий вазифа қилиб қўйилди.**

**Энди, бутун куч ва воситалар ана шу шарафли мажбуриятни тўла-тўкис бажаришга қаратилмоғи керак.**

## ИШ ҚИЗҒИН

Коммунист Қурбон Муродов бошлиқ бригада аъзолари ўтган йили Урганч районидаги Сталин номли колхозда энг юқори ҳосил олдилар. 108 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта йиғиб олинди. Ҳосилдорлик бир йилда гектарига 13 центнер ошди. Ҳар бир центнер пахта етиштириш учун 5 меҳнат куни сарфланди.

Бригада аъзолари бу йил гектаридан 65 центнердан ҳосил етиштириш ва пахтанинг таннархини арзонга тушириш учун замин ҳозирламоқдалар. Далага 671 тонна маҳаллий ўғит чиқариб, ғўнгхоналарда чиритилмоқда. 15 тонна суперфосфат келтириб қўйилди, сув йўллари тозаланди. Маҳаллий ўғит чиқариш тобора қизғин тус олмоқда.

**А. ҚУРБОНОВ.**

### УЧ ЮЗ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ БРИГАДАСИ

**Хоразм области колхозларида бу йил 300 комплекс механизациялаш бригадаси ташкил этилди. Бу бригадалар ғўзани кетмонсиз парвариш қилади. Ғўза парваришида техникадан кенг фойдаланиш туфайли бир неча миллион сўм маблағ тежалади.**

**Хўжаликлар бу йил кўкламда биринчи марта чигитни уяларга белгиланган миқдорда экадилар. Бу агрономия тадбири икки минг гектар майдонда қўлланилади ва ғўзани яганалашда қарийб 200 минг сўм маблағ тежалади.**

## Фойдани кўзлаб

БАҒДОД. Охунбобоев номли колхоз фермаларида чорва моллар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Сигирлар сони 1959 йил бошида 150 та эди, кузга келиб 172 бошга етди. Чўчқалар ҳам анча кўпайди. 186 бош чўчқадан анчаси бўрдоқига боқилаётир.

**И. РАУФЖОНОВ.**

## ШЎР ЮВ, ЯХОБ БЕР, ҒЎНГ ЧИҚАР!

(15 январга процент ҳисобида)

| Областлар | Шўр ювиш | Яхоб бериш | Ғўнг чиқариш |
|---|---|---|---|
| Тошкент | 57,5 | 26,8 | 16,7 |
| Фарғона | 14,8 | 43,8 | 38,0 |
| Наманган | 29,1 | 34,4 | 24,4 |
| Андижон | 24,1 | 32,4 | 18,3 |
| Самарқанд | 2,0 | 10,0 | 16,7 |
| Бухоро | 26,4 | — | 33,8 |
| Қашқадарё | 20,0 | 18,0 | 34,9 |
| Сурхондарё | 85,0 | 58,8 | 30,1 |
| Хоразм | — | — | 33,5 |
| Қорақалпоғистон АССР | — | — | 11,8 |

## МАЖБУРИЯТ АМАЛГА ОШАДИ

**(Хева район партия комитетининг секретари ўртоқ Х. РАҲИМОВ билан суҳбат)**

Етти йилликнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ва олиб борилган курашлар 1960 йил режаларини амалга оширишда аниқ ва конкрет йўлларни белгилаб олишга ёрдам берди. Қишлоқ хўжалик органлари, партия, совет ташкилотларининг вазифаси эндиликда КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорида кўрсатилган улуғвор вазифаларни тўла-тўкис адо этишдан иборатдир. Бунинг учун етти йиллик топшириқларини қисқа муддатда бажариш, халқ фаровонлигини тўхтовсиз кўтариш керак бўлади.

Хева район пахтакорлари ўтган йили давлатга 24730 тонна пахта топшириб, социалистик мажбуриятларини анча ошириб бажардилар. Ҳар гектаридан олинган ҳосил 24 центнердан зиёд бўлди. Трактор-далачилик бригадалари, янги агротехникани кенг жорий этган илғорлар пахтачиликда яна ҳам каттароқ ютуқларни қўлга киритдилар. Район пахтакорлари декабрь Пленуми қарорини муҳокама қилар эканлар, бундан буён ҳосилдорликни тинмай кўтариш, шу йўл билан пахта етиштириш юзасидан етти йилликда белгиланган даражага 1961 йилдаёқ эришишга аҳд қилдилар.

Етти йиллик охирида районимиз бўйича ер майдони кенгайтирилмагани ҳолда ҳар гектар ердан 28,4 центнердан ҳосил олиниши керак эди. Бунга 1961 йилда эришиш учун бу йил ҳосилни гектарига 26 центнерга кўтаришимиз керак. Бунинг учун бор имкониятларни ишга солиш талаб этилади. Ҳаммадан аввал, биз Пленумда қўйилган масалаларни — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришда резервлардан тўла фойдаланишни кўзда тутмоқдамиз.

Ўтган йили районда 33 та трактор-далачилик бригадаси ишлаган эди. Буларнинг сонини бу йил 70 га етказдик. Трактор-далачилик бригадалари райондаги пахта майдонининг ярмидан кўпроғида ишлайдилар. Улар чигитни батамом режа сими тортиб квадрат-уялаб экадилар ва ғўза парваришида мутлақо кетмон ишлатмайдилар. Трактор-далачилик бригадаларининг яхши ташаббуси туфайли районда бу йил илғор агротехника талбирлари кенг равишда қўлланилади. Умуман 7000 гектар ерга режа сими тортиб чигит экилади ва бу ерларда кетмон ишлатилмайди.

Ўтган йили райондаги 13 колхоздан 4 таси ўрта даражадан кам ҳосил олди. 21 далачилик бригаласида олинган ҳосил 20 центнерга ҳам етмади. Район партия ташкилоти ҳосилни кўтаришнинг энг муҳим резерви қаторида қолоқ колхоз ва бригадаларга яқиндан ёрдам бериш вазифасини қўйди. Район партия комитети қолоқ хўжаликларда қишки тадбирларни амалга ошириш юзасидан муҳим чораларни кўрмоқда. Далага маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ-зовурларни қазиш, трактор ва қишлоқ хўжалик асбобларини барвақт ремонт қилиш учун уларга техника ва ишчи кучлари билан ёрдам берилмоқда. Қолоқ бригадалар моҳир механизаторлар, мутахассис кадрлар билан мустаҳкамланди.

Деҳқончиликдан олинадиган маҳсулотларни тўхтовсиз ошириш, ернинг ҳосилдорлигини тобора кўтаришнинг энг муҳим омилларидан бири маҳаллий ўғитдан тўла ва унумли фойдаланишдир. Бу, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми материалларида ва Никита Сергеевич Хрушчев нутқида ҳам алоҳида таъкидланди. Шуни эътиборга олиб, районимиз пахтакорлари маҳаллий ўғитдан жуда кўп фойдаланишга киришдилар. Ўтган йили ҳар гектар пахта майдонига 5—6 тоннадан маҳаллий ўғит солинган бўлса, бу йил 12—15 тоннадан солиш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда колхозларда далага маҳаллий ўғит чиқарадиган махсус транспорт бригадалари тузилди. Уларга машина, арава ва керакли миқдорда ишчи кучлари ажратилди. Бу тадбир ўзининг дастлабки яхши натижасини кўрсатмоқда. Ҳозиргача тайёрланган маҳаллий ўғит ҳар гектарига ўрта ҳисобда 4 тоннадан тўғри келади.

Ўтган йили район колхозлари деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан барча планларни муваффақиятли бажардилар. Пахта ҳосилини кўтариш билан бирга бундан буён халқ истеъмоли учун энг зарур бўлган гўшт, сут, тухум каби маҳсулотларни кўпроқ етиштириш учун курашмоқдамиз. Колхозларимиз ўзларидаги имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, гўшт, сут етиштириш бўйича етти йиллик планини 1963 йилда, тухум олиш бўйича 1962 йилда бажаришга қарор қиллилар. Бунинг учун молларни бўрдоқига боқишга алоҳида эътибор берилмоқда. Маккажўхори майдони бу йил ўтган йилга нисбатан 3 баравар кўпайтирилади. Демак силос ҳам уч баравар кўпроқ босилади. Бу эса молларни йил бўйи семиз боқиш ва маҳсулотни кўпроқ олишга ёрдам беради. Бунга қаттиқ ишонган ҳолда, район меҳнаткашлари 1960 йилда гўштга топшириладиган йирик моллар вазнини ўтган йилги ўртача 201 килограммдан 230—250 килограммга, қўйларни 37—38 килограмм ўрнига 45 килограммга, чўчқаларни 72 килограмм ўрнига 90—100 килограммга етказишга қарор қилдилар.

Бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун район меҳнаткашларига етти йиллик вазифаларини, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини кенг равишда тушунтириш ва уларни янги ғайрат ва ташаббусга отлантириш керак. Ҳозир колхозларда 150 агитатор ишламоқда. Улар ҳар бир колхозчи, механизатор ва ҳар бир қишлоқ хўжалик ходимига Пленум материалларини кенг равишда тушуниб олишга ёрдам бермоқдалар.

Хева район пахтакорлари, чорвадорлари ва барча меҳнаткашлари етти йилликнинг иккинчи йилида янада зўр ғайрат билан ишлайдилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ етиштириш юзасидан декабрь Пленуми қўйган тарихий вазифалар, олинган мажбуриятлар ҳеч сўзсиз амалга оширилади.

*БУРДОҚИГА БОҚ!*

## СЕМИЗ МОЛ КЎПАЙТИРИЛМОҚДА

Олтиариқ районидаги Фрунзе номли колхоз чорвадорлари етти йилликнинг иккинчи йилида гўшт етиштиришни 1959 йилга нисбатан икки баравар кўпайтириш учун курашаётирлар. Бунинг учун чорва моллар махсус пунктларда бўрдоқига боқилмоқда. Ўтган йилнинг тўртинчи кварталида 30 бош чўчқа бўрдоқига боқилиб, ҳар бирининг тирик вазни 110 килограммга етказилгандан кейин гўштга топширилган эди. Шу кунлари 40 та чўчқа, 30 та қорамол, 200 та қўй-эчки бўрдоқига боқиляпти.

Киров районидаги Киров номли совхозда ўтган йил кузда 84 та қорамол бўрдоқи қилиниб, ҳар бирининг оғирлиги ўртача 390 килограммга етгач, гўштга топширилди. Ҳозир совхозда 500 дан ортиқ қорамол, қўй ва эчки бўрдоқига боқилмоқда. Охунбобоев, Қува, Бағдод районларининг колхозларида ҳам кўплаб чорва моллар бўрдоқига боқилаётир.

Ҳозир Фарғона область колхоз ва совхозларида молларни семиртириш пунктларида 9277 та қорамол, 15167 та қўй ва эчки, 6846 та чўчқа бўрдоқига қўйилди.

**Ю. ДАДАЖОНОВ.**

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**Ўрта Осиё машина-синаш станциясининг донгдор бригадири ўртоқ В. А. Тюпко бригадаси аъзолари А. А. ТОЛОЧКО, А.УСМАНОВ, А. ЁҚУБОВ ва А. ЁҚУБОВ ўртоқларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлаш тўғрисида**

Пахтачиликда комплекс механизацияни жорий қилиш соҳасидаги хизматлари учун қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлансин:

1. Афанасий Арсентьевич **Толочко** — механик ҳайдовчи
2. Ахрон **Усмонов** — тракторчи
3. Айдар **Ёқубов** — тракторчи
4. Амет **Ёқубов** — тракторчи

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари И. БАБКОВ.**

Тошкент шаҳри
1960 йил 18 январь.

## МАРҲАБО, ҚАРДОШЛАР!

**18 январь оқшоми. Кўп азиз меҳмонларни кутиб олган Тошкент аэропортидамиз. Бу ерга кўпдан бери йўлларига мунтазир қилган озарбайжонлик меҳмонларни кутгали қадирдонлар тўпланди.**

**Уфқдан ИЛ-18 самолётининг сурони эшитилади. Қор капалакдек ўйнаб тушиб, ерга оппоқ поёндоз ёзишига қарамасдан, дўстлик қалб ҳарорати билан исиб Боку тарафга кўз тикадилар. Бир зумда кумуш қанотли осмон лочини таниш дўстлик йўллари орқали сузиб келиб тўхтайди.**

**Самолётдан Озарбайжон совет адабиётининг йирик намояндалари — озарбайжон ёзувчилар союзи раиси Меҳти Ҳусайн (делегация бошлиғи), Сулаймон Рустам, Мамед Роҳим, Ўсмон Саривелли, Алиога Велиев, Қобил Имомвердиев ва санъаткорлар тушиб келадилар.**

**Ўзбек адабиётининг шоир Ғафур Ғулом бошлиқ оқсоқоллари азиз меҳмонларга пешвоз чиқадилар. Ғафур Ғулом ва Абдулла Қаҳҳор ўртоқлар Ўзбекистон қуёшидан нур эмиб унган нозик-неъмат тўла дўстлик дастурхонини очадилар. Дастлаб атоқли ёзувчи Меҳти Ҳусайн ўзбек ширмон нонидан ушатиб, узумимизнинг бир шингилини тотиб кўрар экан, шундай дейди:**

**— Ғафур ога, ўзбек шеъри шу дастурхонингиздаги меваларингиздай ширин ва таниш.**

**Озарбайжон ёзувчилари ва уларнинг ҳамроҳлари — Озарбайжон ССР халқ артисти Амина Дилбози, республикада хизмат кўрсатган артистлар Абдул Фаталиев, Фотима Меҳралиева, Лутфиёр Имонов, Тирангиз Аҳмедова, Раҳила Ҳасанова, Ҳожи Мамедов, Нептон Григорьян, филармония солисти Юрий Давидов, VI Жаҳон ёшлар фестивалининг лауреати Чингиз Меҳтиев, пианистка Зивар Алиева ўртоқлар билан Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Маданият министри С. Муҳамедов. Ўзбекистон ёзувчилари союзи правленнесининг секретари Ҳамид Ғулом ўртоқлар, ёзувчилар, пойтахт санъат ходимлари, маданият арбоблари иссиқ кўришадилар. Самолёт қанотлари тагида бошланган илк дўстона учрашув ҳаммани руҳлантиради.**

**Меҳмонлар машиналарда йўл-йўлакай гуринглашадилар, дўстлик ҳақида илиқ-илиқ сўзлар айтадилар, шоир эмасмилар, кўплари ёдаки шеър ўқийдилар. Ахир, кўнгли яқин кишилар, бир ният учун майдонга кирган азаматлар ҳамиша дўст уйида ўзларини шундай енгил сезиб, кўнгилдаги бор орзуларини, истакларини баён қилмайдиларми!**

**Бугун қардошларимиз Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қиладилар, телевидение студиясида бўладилар.**

**Меҳмондўст пойтахтимиз меҳнаткашлари 20 январда бошланадиган қардош Озарбайжон адабиёти ҳафталиги кечасини сабрсизлик билан кутмоқдалар. Бу ҳафталикнинг икки қардош ва жондош халқ ўртасидаги дўстлик намойишига айланишига шубҳа йўқ.**

**СУРАТДА: Озарбайжон ёзувчилари аэропортда.**

**А. Горокрин фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).**

# ЮКСАК ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

## Совет кишилари СССР Олий Совети қабул қилган ҳужжатлардан ғоят мамнун бўлмоқдалар

## 1 МИЛЛИОН 200 МИНГ КИШИ ИЖОДИЙ МЕҲНАТҒА

ТОШКЕНТ. Сталин номидаги тўқимачилик комбинати коллективи СССР Олий Совети сессиясини ажойиб меҳнат ғалабалари билан кутиб олди. Цех ва участкаларда тўпланган минглаб тўқувчилар радиодан Ўртоқ Хрушчевнинг докладини тингладилар. Ўртоқ Хрушчевнинг Совет ҳукумати номидан киритган таклифи ҳар бир ишчи қалбидаги ҳис-туйғуни ифода этди.

— Ер юзидаги ҳар бир меҳнаткаш тинчликни истайди, — дейди 1-тўқув фабрикасининг ремонтчиси С. Жалилов, — жаҳонда тинчлик бўлса бас, меҳнатимиз, қувончимиз, қўстлигимиз таъминланади. Совет ҳукумати бошлиғи капиталистик мамлакатларнинг раҳбарларига, келинг, вайронагарчилик учун эмас, қуриш, яратиш, мўл-кўлчилик учун курашайлик, деди. Азиз Никита Сергеевич Хрушчев урушларнинг келиб чиқишига бутунлай хотима беришни таклиф қилди. Биз бу таклифдан ғоят қувондик.

Йигирувчи Антонина Семенова шундай дейди:

— Мамлакатимиз халқлари етти йилликнинг биринчи йилида катта муваффақиятларни қўлга киритди. Комбинатимизда етти йилликнинг биринчи йилида 7 миллион метр қўшимча газлама тўқилди. Ватанимиз куч-қуввати бениҳоя ўсиб кетди. Биз қуролли кучлар сонини қисқартириш каби масъулиятли ишда бошқа давлатларга намуна кўрсатаётганлигимиз билан ғоят фахрланамиз. Совет ҳукуматининг бошлиғи яна 1 миллион 200 минг кишини армиядан меҳнат қучоғига юбориш ҳақида таклиф киритди. Бу таклифни ҳамма қўллаб-қувватламоқда. 1 миллион 200 минг киши етти йилликни бажариш учун ижодий меҳнатга отланади. Бу, коммунизм қуриш ишини яна ҳам тезлаштириб юборади. Шунинг учун ҳам биз қувонамиз.

## ДИЛИМИЗДАГИ ГАП

Олий Совет қабул қилган Қонун ҳаммамизнинг тилагимизни ифода этди. Уруш машаққатларини чеккан биз каби собиқ жангчилар учун бу Қонуннинг аҳамияти ғолт каттадир. Инсон урушни эмас, қуришнигина ўйлайдиган бўлиши, бутун куч-қувватини, ақл-идрокини халқлар фаровонлиги учун сарфлаши керак. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати шу ғояни илгари суриб, жаҳонча мафтун қилапти.

**Бакир РАЖАБОВ,**
механизатор. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
Андижон области.

* * *

Тинчлик инсонга бахт-саодат ва қувноқ ҳаёт келтиради. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети сессиясидаги доклади ана шунга қаратилгандир. Мен бутун дунёда тинчлик ўрнатиш учун курашаётган Советлар мамлакатининг аъзоси бўлганим учун фахрланаман. Тинчлик албатта ғалаба қозонади. Келажак—тинчликники.

**Гули ЭРГАШЕВА,**
савдо ходими.
Самарқанд.

* * *

Бизнинг уйимиз яна бир катта қувонча тўлди. Олий Советнинг Қуролли Кучларни қисқартириш тўғрисидаги Қонуни муносабати билан нўплар қатори ўғлим Николай ҳам Совет Армияси сафидан қайтиб келади. Оиламизда ҳамма бир мақсад — коммунизм учун фаол хизмат қилиш билан машғул бўлади.

**М. ТИХИНОВ,**
шофер.
Фарғона.

## ИНСОНИЯТ ТИЛАГИ

Тинчлик. Ер куррасида яшаётган ҳамма яхши ниятли кишиларнинг орзу-умиди ва талаби шу. Тинчлик инсониятга бахт-саодат ва фаровонлик келтиради. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Советининг сессиясида сўзлаган нутқини эшитган ва ўқиган ҳар бир киши бу сўзларни такрор ва такрор тилга оляпти. Никита Сергеевич Хрушчев ўз нутқида Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг бош йўли жаҳонда тинчлик, халқлар ўртасида дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлашдан иборат эканлигини яққол баён этди.

Биз студентлар давлатимиз тинчликнинг мустаҳкам кўрғонига айланиб бораётганлигидан беҳад мамнунмиз. Инсониятга офат келтирувчи қуролларни йўқотиш, совуқ уруш муносабатларига барҳам бериш ҳақидаги ҳақли ва инсоний талабларни ўқир эканмиз дилларимизда шодлик ўйнаяпти.

**Ў. Алиева,**
**Ғ. Эшонов,**
**Т. Солиев.**
САГУ студентлари.

## ДИЛИМИЗДАГИ ГАП

Бир миллиондан кўпроқ бош, соғлом, ғайратли кишиларнинг ишлаб чиқаришга қайтиб келишининг тинч ижодий меҳнат учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлигига баҳо бериш қийин. Бизнинг мамлакатимизда ҳамма учун ҳам иш топилади. Масалан, бизнинг Сурхондарё областимизни олиб кўрайлик. Бу ерда ҳамма жойга— Шаргун кўмир шахталарига ҳам, «Термизнефть» нефть конларига ҳам, республикада энг йирик ҳисобланган «Южносурханводстрой» ирригация қурилишига ҳам, колхоз ва совхозларга ҳам, хуллас ҳамма ерга одамлар керак. Бизнинг Сурхон воҳамизга келингиз, армиядан бўшаётган жангчи ўртоқлар!

**А. РАҲМОНОВ,**
агроном.

* * *

Биз Совет ҳукуматининг янги слижаноб қадамини табриклаймиз. Қуролли Кучларни мамлакатимизнинг бир ўзи камайтириши—бу халқаро кескинликни янада юмшатишга йўл очадиган муҳим тарихий ҳаракатдир. Эндиликда, буюк давлатлар бошлиқларининг учрашуви олдидан ана шу тадбир айниқса муҳим аҳамиятга эгадир.

**Н. И. ГОРБУНОВ,**
токарь
Тошкент.

* * *

Мен ҳам минг-минглаб совет оналари каби ўн болани туғиб тарбиялямоқдаман. Мамлакатимизда болаларимизнинг ўсиши учун ҳамма шароит тўла яратиб берилгани биз оналарни қувонтиради. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг тинчлик ҳақидаги улуғ сўзлари мени ва болаларимни севинтирди. Мен ҳамқишлоқларим оналар номидан тинчликнинг доим мустаҳкам бўлишини истайман.

**Донахон ТУЛАНОВА,**
Қаҳрамон она.
Наманган области.

## ХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ФАРҒОНА, (**«Қизил Узбекистон» мухбири**). СССР Олий Советининг бешинчи чақириқ тўртинчи сессияси очилиши ҳақидаги хушхабар областнинг шаҳар ва қишлоқларида яшин тезлигида тарқалди. Ҳамма жойда — саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, ташкилот ва муассасаларда КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг сессиядаги докладини коллектив бўлиб эшитиш ташкил этилди. Область меҳнаткашлари СССР Олий Совети сессияси материалларини қизиқиб ўрганмоқдалар.

— СССР Олий Совети сессиясининг материаллари, — деди пиллакашлик фабрикасида ўтказилган суҳбатда Маргилон ипак комбинати партия бюросининг секретари Акбаржон Қозоқов, — совет давлатининг тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги, унинг ташқи сиёсати ҳақиқий ленинчи сиёсат эканлиги, шонли Коммунистик партиямизнинг халқ фаровонлиги ҳақидаги ғамхўрлигини яна бир карра намойиш қилади. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси янада яхшироқ ишлаб, етти йилликни муддатидан илгари адо этиш учун муносиб ҳисса қўшмоқда.

Комбинатнинг барча фабрикаларида, цех ва сменаларида ўтказилган суҳбатларда ҳам СССР Олий Совети сессиясининг материаллари муҳокама қилиниб, меҳнаткашлар уни чин юракдан табриклямоқдалар.

Областнинг шаҳар ва қишлоқларида ташкил қилинган 400 дан ортиқ агитпунктлар ва улардаги агитаторлар СССР Олий Совети сессияси материалларининг моҳиятини тўла тушунтирмоқдалар.

## ЯНГИ ҲИССА

КУРСК, 18 январь. (ТАСС). Никита Сергеевич Хрушчевнинг СССР Олий Совети сессиясида қилган доклади Михайлов конидаги кончи ва қурувчиларни ғоят қувонтирди. Улар ҳукуматнинг таклифларини чин қалбдан табриклямоқдалар, чунки бу таклифлар совет халқининг тинчлик йўлидаги интилишларини ифода этади.

Янги қурилишнинг энг яхши кончиси, старший экскаваторчи Алексей Чернов бундай деди:

—Ҳукуматимизнинг қуролли кучларни 1.200 минг киши камайтириш мўлжаллари тинчликни мустаҳкамлаш ва халқлар дўстлигини кучайтириш ишига янги ҳисса бўлиб қўшилади. Бизнинг мамлакатимизда яшаш ва меҳнат қилиш жуда қувончлидир. Биз, ишчилар, тинчлик таклифларини фидокорона меҳнат билан мустаҳкамлаймиз. Бу йил мен ЭКГ-4 экскаватори билан йиллик толширикда белгилангандан юз минг кубометр кўп ер қазиш мажбуриятини оламан. Михайлов кончилари руда манбаларини 1960 йилнинг июль ойидаёқ, яъни муддатидан бир йил илгари очиш ҳамда республиканинг марказидаги металлургия заводларига муддатидан илгари руда бериш учун бутун кучларини сарф қиладилар.

## ТИНЧЛИК ВА ХАЛҚЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ИШИГА ҚЎШИЛГАН БУЮК ҲИССА

### ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОВЕТ КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети жаҳон-шумул-тарихий аҳамиятга эга бўлган тинчликсевар ишни — Совет қуролли кучларини яна кўп миқдорда қисқартириш тўғрисида СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчевнинг таклифига биноан, СССР Олий Советининг IV сессияси қабул қилган қарорни тинчлик тарафдорлари бўлган миллион-миллион совет кишилари номидан қизғин табриклайди.

Тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун қизғин курашаётган совет кишилари ўз давлатининг қуролсизланиш тўғрисидаги қаётий муҳим масалада тинчлик ва барча халқлар хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб, яна олижаноб ташаббус кўрсатганлиги билан фахрланадилар. Ёппасига ва батамом қуролсизланишнинг кенг программасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига киритган Совет Иттифоқи ўз тинчликсеварлигининг самимийлигини, зўр бериб қуролланиш юкидан инсониятни халос қилишга эришишга ўзининг тайёрлигини дадил ва кескин конкрет ишлар билан исбот қилмоқда. Совет давлатининг олий ҳокимият органи ақл-идроқ позициясида туриб ҳаракат қилиб ва янги уруш хавфининг олдини олиш тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилиб, Совет қуролли кучларини бир ўзи 1 миллион 200 минг киши миқдорида қисқартиришга қарор қилди. Совет Иттифоқи фақат ўз территориясини мудофаа қилиш учун зарур бўлган қуролли кучларни сақлаб қолиш билан чекланади.

Совет кишилари шу нарсага аминдирларки, СССР қуролли кучларининг янада анча қисқартирилишини барча мамлакатлардаги тинчлик дўстлари чуқур мамнуният билан кутиб оладилар. Бу қисқартириш ёппасига қуролсизланишга эришмоқ учун қулай шарт-шароит вужудга келтиради ҳамда зўр бериб қуролланишни тўхтатиш ва халқаро ҳамкорлик учун курашаётган яхши ниятли барча кишиларга янги куч ва ишонч бағишлайди.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети барча тинчлик дўстларига; барча жамоатчилик кучларига мурожаат қилиб, уларни ёппасига ва батамом қуролсизланиш улуғ программасини амалга оширмоқ учун куч ва ғайратларини бирлаштиришга чақиради.

## МУҲИМ ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

МИРЗАЧЎЛ, (**«Қизил «Узбекистон» махсус мухбири**). Водининг барча пахтакорлари билан интеллигентлари Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Советининг сессиясида қилган тарихий докладини ва Қонунни зўр хурсандчилик ва самимият билан кутиб олдилар. Совет ҳукумати бошлиғининг тинчликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасида дўстликни таъминлаш йўли—қуролсизланишдир, деган сўзларини барча ҳаяжон билан эшитди.

— Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладини ўқиб ғоят хурсанд бўлдим,— деди Гулистон район маданият бўлимининг мудири Ўртоқ Худойқулов.—Бир миллион икки юз минг кишининг ҳарбий хизматдан бўшатилиши кичкина гап эмас. Ҳамма давлат ҳам ана шундай тарихий ишни амалга оширавермайди. Совет армияси сафидан бўшаган кишиларимиз саноат корхоналарида, қишлоқ хўжалигида ва маданий ҳаётимизнинг барча соҳаларида меҳнат қилиб, коммунизм қурилишига муносиб ҳисса қўшадилар.

— Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладида эришган катта ютуқларимиз тўғрисида ҳам жуда муҳим фактлар ва ажойиб рақамлар келтирилган,— дейди «Октябрь» мактабининг ўқитувчиси Т. Олимов.—Мен бу ажойиб докладни меҳнаткашлар ўртасида ўқиб бераётирман ва уни маҳаллий фактлар билан боғлаб тушунтирмоқдаман.

— Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг, — деди район марказидаги болалар боқчасининг тарбиячиси Ўртоқ Назарова,—биз ўз қуролли кучларимизни янада қисқартирмоқдамиз ва бошқа мамлакатлар ҳам шу йўлдан борадилар, деб астойдил ишонамиз, деган гапи ҳаммани хурсанд қилди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг доклади халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга, бутун дунё меҳнаткашларининг бирлиги ва биродарлигини кучайтиришга жуда катта ҳисса қўшишига шак-шубҳа йўқ.

Гулистон районидаги ўқитувчилар, врачлар, агрономлар — барча интеллигентлар бу муҳим сиёсий ҳужжатларни қайта-қайта ўқимоқдалар, ўрганмоқдалар.

СССР Олий Совети сессияси ва унда қабул қилинган қуролсизланиш ҳақидаги Қонун меҳнаткашларни янги меҳнат ютуқларига руҳлантириб юборди. Самарқанд шойи тўқиш фабрикаси коллективи ишлаб чиқариш топшириқларини намунали адо этмоқда. СУРАТДА: тўқувчи Мулссар Фармонова, У, етти йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажармоқда. В. Сироткин фотоси.

## ҲАММА ШУНИ ИСТАЙДИ

Қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчев СССР Олий Советининг сессиясида қилган докладида ёппасига ва батамом қуролсизланиш тадбирларини амалга ошириш йўлларини ёрқин кўрсатиб бериши билан бирга СССР қуролли кучларини яна 1 миллион 200 минг кишига камайтириш ҳақидаги масалани сессия муҳокамасига қўйди. Бу 1 миллион 200 минг солдат тинч меҳнат қучоғига қайтди деган гап. Бу Совет Иттифоқининг жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш, ёппасига ва батамом қуролсизланиш тадбирларини амалга оширишга қаратилган яна бир дадил қадамидир.

Мен улуғ Ватан урушида қатнашганман. Уруш офати ва даҳшатини ўз кўзим билан кўрганман. Эндиги ниятларимиз, болаларимиз ана шу даҳшатларни кўрмасинлар. Инсон идроки билан бунёдга келган кучли қуроллар инсонни қириш учун эмас, кишиларимизнинг фаровон ҳаёти тинчлик мақсадларига хизмат қилсин. Дунёдаги яхши ниятли кишиларнинг ҳам истаги шу.

**Ё. РАҲМОНОВА,**
врач.
Тошкент

## ЖАСУР КУРАШЧИ

**Инсон дунёга бахтли ҳаёт кечириш учун келади. Ҳаёт гўзаллигини таърифлаш қийин. Оламнинг гўзаллиги тинчлик ва осойишталик нури билан чароғон бўлади.**

**Мен тинчликнинг қадри-қиммэтини жуда яхши тушунаман. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладини радио орқали эшитиб, бениҳоя шод бўлдим. Совет Иттифоқининг ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси муҳокамасига киритган таклифлари кишилик жамиятига тинчлик йўлини кўрсатиб берди. Ана шу ташаббусдан кейин жаҳон халқлари ўртоқ Хрушчевни тинчлик учун жасур курашчи деб атадилар.**

**Абдулла БОЛТАЕВ,**
кекса наққош. Сталин мукофоти лауреати, Хева тарихий музейининг илмий ходими.

## ДОНО СИЁСАТ ТУФАЙЛИ

СССР Олий Совети сессияси материаллари босилган газеталар фабрика цехларида жуда тез тарқалди. Ҳар бир ишчи, ҳар бир инженер-техник ходим СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладини зўр мамнуният билан ўқир, бир-бирлари билан суҳбат қилишардилар.

— Буни қаранг-а, ҳарбий мақсадлар учун ажратилган маблағлар истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналар қуриш учун сарф этилса турмушимиз янада форовон бўлади.

— Нимасини айтасиз, агар жаҳондаги ҳамма мамлакатлар танкларини қайтадан эритиб, трактор ишлаб чиқарсалар, атом бомбаларини атом электростанцияларига берсалар, беҳуда машқ қилаётган, қон тўкиш маҳоратини эгаллаётган 10 миллионларча солдатлар тинч ижодий меҳнатга қайтарилса, чакки бўлмас эди.

— Бизнинг ҳукумат бошлиғи яна 1 миллион 200 минг кишини Ватанимиз саноати ва қурилишларига юбориш, шу билан етти йилликни муддатидан илгари бажариш тадбирини кўряпти. Бу азаматлар завод ва фабрикаларга келганларидан кейин моддий бойликлар ишлаб чиқариш яна ҳам кўпаяди, турмушимиз беқиёс гуллаб-яшнайди...

5-цехнинг кенг саҳнида тўпланган пойафзалчилар юракдаги сўзларини шундай ифода этардилар.

Биз 1- пойафзал фабрикасининг коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи Нишон ака Абдураҳмонов билан суҳбатлашдик. Гагановачи мастер раҳбарлик қилаётган бу коллектив орасида етти йилликнинг учинчи ва ҳатто тўртинчи йили ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараётган илғорлар бор. Павел Ильенко ана шундай, ўз касбининг усталаридан. Бу йигит Совет Армиясидан 1957 йилда қайтиб келди. У ҳам худди 1960 йилдаги 1 миллион 200 мингчилар сингари ҳарбий хизматдан муддатидан олдин бўшаб фабрика қучоғига кириб келди.

—Армияда жуда яхши хизмат қилардим,—дейди у. Солдат дўстларим, севимли офицерларимиз: «қани энди, ҳамма давлатлар ўз армияларини тарқатиб юборсалар, биз ҳам тезроқ колхоз, совхозларга борсак, қурилаётган гигант гидроэлектростанцияларда ишласак» дейишарди. Совет кишиларининг рўёбга чиқмайдиган орзу-умиди бўлмайди. Мана шу орзуга эриша ётирмиз. Совет ҳукуматининг Бошлиғи Ўртоқ Н. С. Хрушчев ёппасига ва тўла қуролсизланиш учун барча имкониятлар бор деб айтди. Ўртоқ Хрушчевнинг фикри бизнинг фикримиздир...

Нишон ака Абдураҳмонов бригадасида ишлаб фидокорона меҳнати туфайли бутун корхонага шуҳрат таратган Прокофьев, Алихонов, Портнов Ўртоқлар ҳам Павелнинг гапига тўла қўшилдилар.

Ўтган йил Тошкентнинг бу йирик корхонаси коллективи мамлакатимизга пландан ташқари 350 минг жуфт турли хил пойафзал етказиб берди. 1960 йилнинг дастлабки кунлари ҳам ажойиб натижалар билан якунланади. **Январь ойининг ўн куни ичида белгиланганидан 6 минг жуфт кўп оёқ кийими ишлаб чиқарилди.** Пойафзалчилар пландан ташқари ишлаб чиқарган бу маҳсулотларни етти йилликнинг иккинчи йилига қўшган дастлабки туҳфамиз демоқдалар.

Жаҳонда тинчлик бўлса, инсоният осойишталикда яшаса бўлгани; ҳамма халқлар фаровонликда, тўқчиликда, мўл-кўлчиликда яшайди.

**С. ВОҲИДОВА.**

## ИНСОН ФАЗИЛАТИ

Туроб ТУЛА

### Мелиқўзи УМУРЗОҚОВГА

Ҳорма азиз дўстим, сени қутлайин деб
Эшигингга келдим атайин.
Бугун тўй торини қандай чертайин деб
Келдим, тингла, қўшиқ айтайин!

Ялақат мағизмиз, битта дов-дарахтда
Пишган эгизакмиз аслда!
Бирга кўкарганмиз, бирга битта бахтдан
Баҳрамандмиз аслда элда.

Сенга нўшиқ айтсам — шу эл таронаси
Беихтиёр бўлади ҳамсоз.
Сенга қўшиқ айтсам — унинг овозаси
Ватан бўйлаб этади парвоз.

Сен бир боғ яратдинг мисоли бир чўлда,
Боғ бўлурми бегул, бебул бул!
Сен бир тоғ яратдинг бамисоли қўлда
Тоғ бўлурми бечашма, бегул!

Мени мафтун этди боғинг бенфода,
Бор овозда куйлай сидқидил!
Зотан бемўъжиза, бефайз, безавқ боғда
Ҳавас билан куйларми булбул?

Боғбон фазилати — ватан тупроғини
Гуллатса, безатса, яшнатса!
Булбул фазилати — боғбоннинг боғида
Куйлаб орзусини ушатса!

Инсон фазилати ана шундай дўстим,
Шундай сенинг фазилатинг ҳам
Шундай Турсунойлар фазилати асли,
Шундай менинг фазилатим ҳам!

Шундан менинг куйлашим ҳа деб,
Сени созим, илҳомим деб,
Ўзбек эли тўй бермоқда деб
Ойга берайинми рация!

Шундай шодман дўстим, номингдай яша,
Куйларимга боғладинг илҳом.
Пахтамизнинг чексиз тоғлари оша
Партияга юракдан салом!

## ЧИН РАИС

Беша (ўрмонзор) бешер бўлмас, гул тикансиз. Беш бармоғингизга разм солинг: бири кичик, бири катта, бири қисқа, бири узун. Одамлар ҳам шундай хилма-хил: бири ботир, бири қўрқоқ. Аҳмаджон ўзини оғирнинг остига урса, Раҳматжон енгилнинг устига чиқади. Биров йўқни бор қилади, яна биров борни йўқ қилади. Шу борни йўқ қиладиган киши яна жамият яратган ноз-неъматларга ўзини шерик деб билади, даъво қилади. «Ўрокда йўқ, машоқда йўқ хирмонда ҳозир».

Белини оғритмай туриб нон ейдиганлар оз-у, аммо бор. «Ҳайт деган туяга мадад». Агар шу енгил-елпиликни яхши кўрадиганлар ҳам оғир юк ташиётган нор йигитларнинг қаноти остига кирсалар юзимиз минг, мингимиз миллион бўлади.

Севикли раҳбаримиз Никита Сергеевичнинг партиямиз Марказий Комитети декабрь Пленумида сўзлаган ажойиб нутқини ўқир экансиз, қалбингиз жўш уради, ғайратингиз қайнайди, яқин келажак кўз олдингизда яқлираб намоён бўлади. Улуғ Ленин таълим берганидек **ишлаган тишлайди.** Ҳа, аввал ишлаб, кейин тишласангиз маза қиласиз. Тўй-томоша, иззат-ҳоҳат ўзидан-ўзи келмаслигини ҳар ким билади. «Машаққат чекмайин ҳеч ёр васлига етиб бўлмас!». Коммунизмга тезроқ етиш учун ҳамма бир тан, бир жон бўлиб ҳалол ишлаши керак.

Ҳурматли газетхон: «Чин раис, ёлғон раис ҳам бўладими?» дейиши мумкин. Ҳа, бўлади. Чигит ердан унаётганда, ривожлана бориб, уч қулоқ, тўрт қулоқ бўлади, шу қулоқлар баргга айланади. Деҳқон шоналайдиган баргни чин барг, шоналамайдиганини бачки барг деб атайди. Шоналамайдиган бикин баргни чимдиб ташлайди. Тўғри-да. Ҳосил тугмайдиган қуруқ савлат баргнинг нима кераги бор! Худди шундай, колхоз раислари орасида чинаками ҳам, бачкиси ҳам бўлади.

Ўртоқ Хрушчевнинг мазкур нутқини яна бир марта ўқиб чиқинг-а, ажойиб раисларни кўрасиз. Нутқда колхоз қурилишининг ташкилотчилари тўғрисида кўпгина мисоллар келтирилган. Евгения Ивановна Андреева раис бўлган Тамбов область, Мичурин районидаги «Коминтерн» колхози чорва маҳсулдорлигини оширишда қўлга киритаётган муваффақиятлар кишини қувонтиради. Орлов область, Дмитровский районидаги «Ленинское знамя» («Ленин байроғи») қишлоқ хўжалик артели қаттор йиллар қолоқликда қолиб келган. Коммунист Степан Никитович Фак раис бўлгач колхоз илғор хўжаликлар даражасига кўтарилган.

Район партия конференцияси ва пленуми Ўртоқ Факни райкомнинг биринчи секретарлигига сайлаган, колхозчилар эса бунга норозилик билдириб, ўз раисларини колхозга қайтаришда ёрдам берилишини сўраб, КПСС Марказий Комитетига мурожаат қилганлар... Мана, кўрдингизми, чинакам раис, софдил коммунистни халқ қандай қадрлайди! «...**Яхши тушуниболингки,** — деди ўз нутқида Ўртоқ Н. С. Хрушчев, — **колхознинг раиси яхши бўлса, район партия комитетининг раҳбарлик қилиши ҳам енгил бўлишини ҳаммамиз чуқур англаб етмоғимиз керак».**

Мана бу мисолларга диққат қилинг: Жиззах районидаги «Москва», Будённий номли колхозлар эришган улкан муваффақият бутун республикага маълум. Шу райондаги Ленин номли, Хрушчев номли ва Жданов номли колхозлар ҳам пахта ҳосилдорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришда яхши кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Иқлим, шарт-шароит, куч ва восита жиҳатидан бир хилда бўлган Сталин номли колхозда эса иш ҳамма вақт «мири кам икки».

Қўшни колхозлар бир центнер пахта етиштиришга 4—5 тадан меҳнат куни сарфлаганлари ҳолда, Сталин номли колхозда 1958 йилда 9 меҳнат куни, 1959 йилда 10 меҳнат куни сарфланган. «Москва», Хрушчев номли, Будённий номли, Жданов номли колхозлар чорвачиликни тараққий эттириб, 2—3 миллион сўмдан даромад қосалар, Сталин номли колхоз чорвачиликдан зарар кўрадиган бўлиб қолган. Колхоз давлатга чорва маҳсулотлари етказиб бериш планларини бозордан сотиб олиш йўли билан «бажариб» келган. Ўтган йили бозордан 1700 килограмм сариёғ, 6,5 минг литр сут, 7,5 центнер жун, 9,5 минг дона тухум сотиб олган. Гўшт топшириш плани ҳам худди шу зайлда «бажарилган». Чорвачилик ривожланиш ўрнига камайган. 1959 йилда 40 та қорамол, 398 та қўй, уч мингта парранда нобуд бўлган... Борни йўқ қилиш дед шуни айтилади.

Колхоз шундай аянч аҳволга тушиб қолганлиги район партия комитетига маълум бўлмагандир, дейиш қийин. Бироқ райком раҳбарлари белини оғритмай, нон ейишга ўрганиб қолган колхоз раиси Худоёровни ранжитишни истамаганлар, колхозчилардан тушган шикоятларга эътибор бермаганлар. Шундан кейин колхозчилар Самарқанд область партия комитетига арз қилганлар. Обком халқ овозига қулоқ солиб, текшириш ўтказган, текшириш якуни обком бюро мажлисида муҳокама қилиниб, Худоёров ишдан олинган, бошқа айбдорлар жавобгарликка тортилган.

Бюрода Жиззах райкоми бюросининг ҳамма аъзолари ҳозир бўлганлар. Обком бюроси колхозни қолоқликдан чиқариш ҳақида қайғириши табиий эди. Обком бюроси аъзолари Сталин номли колхоз раислигига кимни тавсия этиш ҳақида кенгашадилар. Бюро аъзоларидан бири Жиззах район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ И. Тошпўлатовга мурожаат қилади:

— Сталин номли колхоз раислигига Сизни тавсия қилсак, деган фикр бор. Шунга қандай қараясиз?

— Мен... Мен... бир ўйлаб кўрай. Кейин...

Сталин номли колхозни қобилиятли кадрлар билан мустаҳкамлашни обком бюроси Жиззах райкомига топширади. Райкомнинг бюро мажлисида райижроком раиси И. Тошпўлатовдан: «Ўйлаб кўрдингизми» деб сўралади. — «Йўқ, — дейди у. — Мен колхоз раислигини эплай олмайман...».

Қизиқ жавоб! Битта колхоз раислигини уддалай олмаган киши райижроком раиси сифатида райондаги 6 колхоз, 1 совхоз, ўнлаб корхонага ва бошқа тармоқларга қандай раҳбарлик қила олар экан?

Бюро аъзолари ўйланиб қолдилар. Кимни тавсия этиш керак? Юзлаб қобилиятли кадрлар етиштирган Жиззах районида нақотки, битта колхоз раислигига муносиб киши топилмаса? Самарқанддан сўралсинми?..

Район ижроком раисининг берган жавобидан хижолатда қолганиданми, ёки Ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқидан тўғри хулоса чиқара билганиданми, Будённий номли колхоз раиси Зокир Норматов ирғиб туриб:

— Сталин номли колхозга мен бораман, — дейди...

Зокир Норматов 1950 йилда Зомин район ижроия комитетининг раиси эди. Ўзи жиззахлик. Зоминда ишласа ҳам, қишлоғидаги Будённий номли колхознинг қолоқликка тушиб қолганлиги уни ташвишлантираяди. Ҳамқишлоқлари унга хат ёзиб, келишини сўрайдилар. Обкомга ариза бериб, Будённий номли колхозга юборилишини илтимос қилади. Колхозчилар уни раисликка сайлайдилар. Ўшандан буён Зокир Норматов колхоз раиси. Илгариги қолоқ колхоз республикада донг чиқарган илғор хўжаликка айланди. Пахта майдони икки ярим баравар, ҳосил уч ҳисса, даромад олти баравар кўпайди. Қишлоқда юзлаб янги иморатлар, жамоат бинолари, боғ-роғлар барпо бўлди. Биноларин, колхозчилар уни **«чин раис»** деб атайдилар.

Партия ва халқ ишончини оқлаган Зокир Норматовни Сталин номли колхоз аъзолари, яқинлик билан раис қилиб сайладилар. Энгельс номли колхоз ҳам Сталин номли колхозга қўшилди. (Бу колхоз кам ҳосил, иқтисодий томондан заиф эди). Сталин номли колхоз аъзолари бу йил 2100 гектар майдонга чигит экиб, ҳар гектаридан 30 центнердан пахта етиштириш йўлида кураш боқлаб юбордилар. Чин раис колхозни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган янги режалар тузмоқда.

**С. КАРИМОВ.**

# Азиз дўстларимизга боғримиз очиқдир!

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР АДАБИЁТИ ҲАФТАЛИКЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ. БУ, ХАЛҚЛАРИМИЗ ДЎСТЛИГИНИНГ АЖОЙИБ ҚУРИНИШЛАРИДАН БИРИДИР.

КЕЧА ТОШКЕНТГА ОЗАРБАЙЖОНЛИК АДАБИЁТЧИЛАР КЕЛДИЛАР. ЭРТАГА АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ АКАДЕМИК ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИ БИНОСИДА ОЗАРБАЙЖОН АДАБИЁТИ ҲАФТАЛИГИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛАДИ. КЕЧАДА ҚАРДОШ ХАЛҚ ЁЗУВЧИЛАРИ, САНЪАТ АРБОБЛАРИ ҚАТНАШАДИЛАР.

Сулаймон РУСТАМ

## ҚАДРДОН ШАҲАР

Тошкент! Қадим шаҳар, қулоқ бер бироз,
Қон-қардош бокулик шоир ўғлингга.
Жон! дейди бағрингда янграган бу соз,
Боғлар боққа пайваст, дилим дилингга.

Тилимдан тушмайди ҳуснинг, шуҳратинг
Дўстлар мажлисида сени куйлайман.
Кўзим олдидадир эрк, салобатинг,
Ҳар ерда, ҳар қачон сени ўйлайман.

Орзу—ниятимиз, бахтимиз бирдир,
Урфу одатимиз, байроғимиз ҳам;
Истиқбол йўлида аҳдимиз бирдир,
Зларо туташган тупроғимиз ҳам.

Яшил дўппи кийган, гул тутган шаҳар
Она бешигисан қаҳрамонларнинг.
Қуёш нурларидан парпирар зафар,
Азиз маконисан қадрдонларнинг.

Сенинг мафтунингман йиллардан бери
Энг яхши орзумда, тилагимдасан.
Жонажон ўзбекнинг симанбар шаҳри,
Қадрдон шаҳарим юрагимдасан.

Рамз БОБОЖОН таржимаси.

Мамед РОҲИМ

## ТИНЧЛИК ЮЛДУЗИ

Бутун оламни кезиб, сарҳадлардан ҳам учиб,
Алвон-алвон нур оқар беш ёқутнинг кўзидан.
Саҳро, водий, тоғу-тош, сув,
бўстонларни қучиб,
Нур таралур жаҳонга Кремль юлдузидан.
Этак-ла ёпиб бўлмас, мангуликка у сўнмас,
Инсонларнинг қалбига бахт чироғин ёқади.
Ҳатто Араб чўлининг эрксевар қўйбоқари
Тилида уни куйлаб, олислардан боқади.
Бу нур ёриб ўтади Ефрат водисигача,
Ҳиндистонда ҳам порлар, ҳар инсонга
ҳамнафас.
Хитой халқ солдатининг йўлини ёритади,
Кўк юлдузлари унга етмоқни қилар ҳавас.
Кумуш қанотларда у, парвоз этар ой сари,
Байроқларда ҳилпирар, мовий денгиз юзида.
Оташ ҳарорати-ла буюк қуёш сингари,
Ҳосил ҳам етиштирар, йилнинг олтин кузида.
Замонлар қўланкасин ёритди бўлиб қуёш,
Она бағридай иссиқ беш юлдуз ёйди қулоч,
Майли, ёлқининг билан тинчлик
машъалини ёқ,
Сен — ёруғлик элчиси, кенг оламга
нурлар соч!!

ГУЛЧЕҲРА таржимаси.

СОБИР

## ЎРГИМЧАК БИЛАН ИПАК ҚУРТИ

Ўргимчак ям-яшил баргда бир куни
Ипак қуртни кўриб, камситди уни:
— Мунча имиллайсан, тезроқ юр ўртоқ,
Тўр ҳам тўқиркансан ўлгидай нўноқ.
Мана, томоша қил иш суръатимни,
Тўр тўқиш, югуриш маҳоратимни!
Ҳар ким кўриб дейди: ишига қаранг,
Нақадар тез тўқир устаси фаранг!
Ипак қурти нулиб деди: жуда соз,
Сенинг тўрларингдан лекин фойда оз.
Сен тўқиган ўша турли хил парда,
Фақат зиён берар учраган ерда.
Энди ўз ишимдан айласам баён,
Меҳнатим маҳсули барчага аён:
Қизлар кияр мен тўқиган ипакдан кўйлак,
Бас этайлик бахсни, сўзим йўқ бўлак.

С. АБДУҚАҲҲОР таржимаси.

Марварид ДИЛБОЗИ

## МЕҲНАТДИР МЕНИНГ ОТИМ

Инжу, марварид эмас,
Меҳнатдир отим
маним.
Ҳаётимда бир нафас
Меҳнатсиз яшамадим.
Ўша менинг ҳар замон
Мушкилим этган
кушод,
Қалбимга бериб
дармон
Кунларимни этган
шод.
Тоза ишким, ором
Ширинлиги, ҳусни
шу!
Танҳоликда ҳамроҳим
Тун-кунимнинг дўсти
шу!
У яқиндир қалбимга
Туғишган азиз йўлдош!
Энг оғир кунларимда
Менга бахш этган
бардош!
Уйимни, оиламни
Бахтга тўлдирган ўша,
Кенг кўрсатиб оламни,
Менга севдирган ўша.
У— севгилим кўзининг
Ишқ тўла нурлишидир.
У умримиз ҳуснининг
Баҳордай тўлишидир.
Ҳиёнатни билмаган
Энг мунис дўстдир
бизга.
Ҳаётимиз безаган
Ёр бўлсин умримизга.
Биз уч дўстмиз
азалдан
Қалбим, меҳнатим ва
ман.

ЗУЛФИЯ таржимаси.

Алиоға ҚУРЧАЙЛИ

## АФСОНАЛАР, НАҚЛЛАР

*Сирли афсоналар, нақллар ҳарон —*
*Сўйлар: етти қават дея осмон.*
*Етмиш минг йил бўлди бу афсонага,*
*Унинг бир қати ҳам фатҳ этилмади.*
*Боболар дердилар бу баҳонага:*
*Минг йиллик йўл эрур унинг ҳар қати.*
*У кўзлар тикилиб тубсиз осмонга,*
*Олам бўшликларин ҳасратда сузди.*
*Умидсиз боқдилар ойга, фазога,*
*Неки кўрганларин нақлга тизди.*
*Сирли афсоналар, нақллар ҳарон,*
*Сўйлар: етти қават дея осмон.*
*Етти қават! Етмиш йил, етти аср!*
*Худди тилсим бўлди етти рақами.*
*Инсон истаклари қолаверди сир,*
*Шумшук етим каби эзгилаб ғами.*
*Билмади ҳар қават осмонга бир кун,*
*Бир онда етарин инсон албатта.*
*Бу етти қаватли фалакнинг бутун*
*Сири очиларин етти соатда!*
*У ҳеч билмадики, бу етти йилда —*
*Етмиш асрларнинг умри ўтарин.*
*Йўқ, инсон билмади, у ҳар фаслда*
*Тақир саҳроларни чаман этарин.*
*Билмади, юртининг кошоналари*
*Унинг ўз қўлида кулажак бир-бир.*
*Ўша нақллари, афсоналари*
*Бир ҳақиқат каби сайр этажакдир!*
*Койима қардошим, сен у инсонни,*
*Тилсим эди у вақт у етти, зотан;*
*У қайдан билурди бизнинг давронни,*
*О, қайдан билурди, билурди қайдан?!*

*Т. ТУЛА таржимаси.*

Қобил ИМАМВЕРДИЕВ

## МЕНИНГ ХОЛАМ

Холамизнинг ҳовлисида бордир бир дарахт
Неча йиллар умр кўрган писта ёғочи,
Унга боқиб, холам ўғлин эслайди ҳар вақт
Сабр этар, кутар... борми бошқа иложи?

Ёзда писта безанади янги келиндай.
Холам шунда орзу қилар фарзанд тўйини,
Ўғлин истаб, баъзан боғин айланар атай,
Турли-туман шубҳа қоплар холам ўйини.

Холам қалбин макон этмиш севинч билан ғам,
Бирор гўзал қизга кўзи тушса ногиҳон,
Бир тасалли юрагига келарди шу дам,
Кўз ўнгида ўғлин қадди бўлар намоён.

Мева пишиб, эўр ҳосилдан солланар шохлар,
Меваларин терар холам ҳар шому наҳор,
Болагинам ҳаҳи бу деб, тугунда сақлар,
Кўз тутади ўғлин қумсаб, йўлга интизор,

Холам бойқиш қайғу чекар, тортади азоб,
Гоҳо кўнглин овлаёлмас ширин сўзлар ҳам.
Юрагига ўғлин дарди солар изтироб,
Кўзларига кўринмайди бу ёруғ олам

Ғами ортар хазон билан келганида куз,
Бир ғариблик ва сукунат уни эзади.
Ҳар шарпага қулоқ осиб, тикиб қолар кўз...
Тонг чоғлари у боғида ёлғиз кезади.

Яланг қолган пистасига боқади узоқ,
Боқади-ю, шу дарахтга тенглар ўзини.
Хотирада у оғир кун жонланар шу чоқ,
Эслаб кетар боласини—қора кўзини.

Қишда писта бошдан—охир бурканар қорга,
Бутоқларда муз сумалак—олмас сирғадак.
Холам яна умидини боғлаб баҳорга,
Дейди: — ўғлим эндиалбат ёзда келажак.

Ахир, ёзда ҳаёт яшнар, табиат яшнар,
Тўлиб кетар боғчаларга қушлар садоси,
Орзу тўла юракларда саодат яшнар,
Пистага ҳам қайтиб келар кўркам либоси.

Дейдиларки, отганида Наврўз тўпини,
Ерни тишлаб ёвуз душман берар экан жон.
Улдирибди арслонтойи ёвнинг кўпини,
Ўғлим тирик, дейди холам, кутади ҳамон.

Холам ҳамон йўл кутади, дилида орзу,
Бир йил эмас, беш йил эмас—кутар муттасил.
Гоҳ тўсатдан хаёлини чулғайди қайғу.
Умидини пуч этади, ўртанади дил...

Ўғли келиб кўз ўнгида жонланар мудом,
Шунда унинг шубҳалари тарқалар бир-бир,
Пистага у боққанида олади ором,
Унинг мева, бунинг эса боласи бордир.

Жуманиёз ЖАББОРОВ таржимаси.

Ҳоқоний ШЕРВОНИЙ

## РУБОИЙЛАР

Бахтлиман, бу оқшом меҳмонимсан ёр,
Жонимни берайин, жононимсан ёр,
Ҳамиша ҳозирман бийруғинга, айт!
Дардингни чекаман, дармонимсан ёр.

Дўстлар даврасида мени этсанг ёд,
Бу ғамли юрагим бўларди обод.
Жафони бас қилгин, бўлгин вафодор,
Ўшанда ғуссадан бўламан озод.

Девонаси бўлдим ёрим ҳилолинг,
Парвонаси бўлдим нурли жамолинг,
Қуёшнинг нурида нилуфармисан?
Куйлайман, ўйлайман ўтли хаёлинг!

Кибирли бўлмасанг, халқ сени севар,
Инсонга кўмак эт кўрсангда зарар.
Ҳурмо дарахтидек кеккайиб ўсма.
Ҳокисор бўлганлар бўлар мўътабар.

Ножинс одамлардан безса-да жаҳон,
Оқиллар бўлурлар ер билан яксон,
Ҳоқоний даврондан кутма яхшилик,
Қоч, йўлда тўхтама келмакда қорвон.

Эй дўстим ўртандим, ёндим ғамидан,
Шам каби эридим фурқат дамидан.
Билмасдим йиғлашни, дил ёнишини,
Ўргандим энди, ишқ муаллимидан.

Бир ғамим бор денгиз—уммонга сиғмас,
Ноламдан дил титрар, баёнга сиғмас.
Сенинг ғаминг борми деса дўстларим
Дейманки: дардим бор, дунёга сиғмас!

Эй ёрим сочлари, тунга қўш зулмат!
Эй висол кечаси, узун бўл, албат!
Кел булут, парда бўл ойнинг юзига,
Оппоқ тонг отмай тур, чўзилсин суҳбат!

Ёнғин МИРЗА таржимаси.

Ўзбек халқи ва унинг ёшлари қардош Озарбайжон адабиётини севиб ўқийди, унинг атоқли намояндаларини зўр ҳурмат билан тилга олади. СУРАТДА: В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультети студенти Раъно Юнусова (ўнгда) дугонаси Турсуной Нурматова (чапда) ва Аня Зариповалар билан Озарбайжон классик шоири Низомий асарлари ҳақида сўзлаб бермоқда.

В. Кожевников фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Зейнал ХАЛИЛ

## КИЙИК

Кўк ўрмондан тонг чоғида
Кийик чиқиб келди секин.
Ўнгга боқди, чапга боқди,
Булоқ томон юрди, лекин.

Ҳидлаб кўриб ҳавони у
Мўғизини суртди тошга.
Атроф гўзал! Осмон гўзал!
У сув ичди... шуон шошмай —

Орқасига қайтди ўзи.
Майсадаги шудрингда
Оёғининг қолди изи.

У кетдию, туриб бордим
Боқмоқ учун мен изига.
Аммо шу чоқ қуёш чиқди,
Нурин сочди ер юзига.

Шабнам қуриб, из ҳам кетди...
Қолмади ҳеч ундан асар!
Тешган каби дилни ханжар,
Юрагимни бир ғам босар.

Дедим, осон отилмасин
Қалбимиздан сўзларимиз,
Мангу ўлмас, гўзал, тиниқ,
Янги асар ёзайлик биз!

ШУКРУЛЛО таржимаси.

Ҳаёт билан боғланиш, чуқур мазмунларни талқин этиш, ижтимоий тафаккурга кучли майил кўрсатиш — озарбайжон совет драматургиясининг традицион хусусиятларидандир.

Совет воқелиги Н. Ф. Охундов, Н. Вазиров, А. Ҳақбердиев, Ч. Мамадқулизодаларнинг реалистик анъаналарини давом эттириш ва ривожлантириш учун кенг замин яратиб берди. Озарбайжон драматургияси социалистик революциянинг ғалабасидан сўнг ижтимоий темаларга, халқ ҳаётини тасвир этадиган асарларга ниҳоятда зўр эътибор бера бошлади.

30-йилларга қадар Озарбайжон совет драматургияси аввало икки буюк ёзувчининг номи билан боғланган эди. Уларнинг бири Жаъфат Жабборли бўлса, иккинчиси Ҳусайн Жовид эди. Уларнинг ёзган асарлари бир-биридан жуда фарқ қиладиган «Иблис», «Пайғамбар», «Шайх Санъон», «Чўлоқ Темур» каби фалсафий ва тарихий романтик драмалар ёзган Ҳусайн Жовиддан фарқли ўлароқ, Жаъфар Жабборли Совет Озарбайжонининг ҳаётини ва социализм жамияти қуриш учун олиб борилган курашни таранним қиладиган замонавий пьесалар яратди. Унинг «Ут келини», «Севил», «Олмос», «Яшар», «1905 йилда» драмалари халқнинг озодлик ва саодат ҳақидаги орзуларини ва бу йўлдаги курашини акс эттирган реалистик асарлардир. Ж. Жабборли замонавий ҳаётимизга доир буюк проблемаларни, ижтимоий конфликтларни кўрсатишда, замондошларимизнинг қаҳрамонона образларини мукаммал тарзда яратишдаги зўр маҳоратини намойиш қилди.

Озарбайжон ёзувчиларининг катта бир қисми драматургия соҳасида ишламоқда. Сўнгги 25 йил ичида улар юздан ортиқ пьеса ёздилар. М. Иброҳимов, Самад Вурғун, Собит Раҳмон, И. Афандиев, Ҳ. Меҳди, С. Рустам, Расул Ризо, А. Шоиг, З. Халил, А. Мамадхонли, Ж. Мажнунбоев, И. Қосимов, Ҳ. Саидбейли, И. Сафарли, Н. Таҳмосиб, Й. Азимзода ва бошқа драматургларимиз саҳнамизга яхши пьесалар ёзиб бердилар.

## ОЗАРБАЙЖОННИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ДРАМАТУРГИЯСИ

Маҳди МАМЕДОВ.

Ҳозирги замон Озарбайжон драматургиясининг энг ижобий сифатларидан бири — тематикасининг кенглиги ва катта-катта ижтимоий проблемаларга майил кўрсатаётганидир. Драматургларимиз республикамизнинг совет давридаги тараққиёт йўлини, ижтимоий ҳаётдаги ҳодисаларни эътибор билан ўрганиб келмоқдалар. Шунинг учун муайян пьесалар мажмуасида ана шу тараққиётнинг бадиий тарихини ўқиса ва кўрса бўлади. Бизнинг энг яхши пьесаларимизда замонамизнинг нафаси акс этиб туради, коммунизм даврининг, замондошларимизнинг юксак ахлоқи яшайди. Драматургиямиздаги замонавийлик ҳисси гўзал бир тарзда наслдан-наслга кўчиб ва ёзилган пьесаларнинг кўпчилигида камол топиб келмоқда.

Озарбайжон драматурглари нинг пьесаларидаги ижобий образларда совет кишисининг, коммунизм қурётган янги инсоннинг янги кайфиятлари жонли равишда ифодаланган. Халқ муҳаббати, Ватан ишқи, жамият манфаатларини устун билмоқ, мардлик, фидокорлик ва шу каби гўзал хислатлар бу қаҳрамонларни томошабинга севимли қилиб кўрсатади.

Социалистик реализм методи асосида ёзилган пьесаларимиз мазмуни ва формаси, услуби ва жанри жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Жонажон совет халқига, партия ва давлатимизга янада яхши ёрдам бермоқ учун Озарбайжон драматурглари олдида янги вазифалар турибди. Улар ўзларининг асарларида халқ ҳаётини янада чуқур ўрганишлари, янги-янги темаларни топиб, очиб беришлари, санъаткорлик савиясини қаламга олинаётган буюк идеаллар савиясига етказиш учун курашишлари керак.

Озарбайжон ҳозирги замон драматургиясининг яхши намуналарининг республикамиз саҳнасидагина ўйналиб қолмай, қардош республикаларда, чет элларда ҳам қўйилмоқда. Оз бўлса ҳам, қардош республика драматургларининг баъзи асарлари бизнинг саҳналаримизда ҳам кўрсатилди. Афсуски, бу фойдали тажриба ҳали етарли даражада кенг ёйилгани йўқ.

Биз алоқаларимизни мустаҳкамлаб, қардош адабиётлар билан ҳамкорликни кучайтиришимиз керак. Бу тадбир ижодий кучлар учун ўз сафларини жипслаштиришга катта ёрдам беради.

## РУБОИЙЛАР

Маҳаммад ФУЗУЛИЙ

Сени кўрдим, найлай ихтиёрим йўқотдим,
Боқиб юзингга бир бор сабр-қарорим йўқотдим.
Тупроқ бўлдим, тўзиб кетдим ғубор каби
Алқисса шу дилбар: эътиборим йўқотдим.

* * *

Фиғон чекаман сарви-ҳуромоним учун,
Қондир жигарим ғунчаи хандоним учун,
Ишқида ғам-ғусса чекиб ногиронман,
Мен ҳастага раҳим эт, ахир, жоним учун.

* * *

Манзил сари ҳар муродга раҳбардир ишқ.
Жон ороми, дил юпанчи—саҳардир ишқ.
Ҳар нашъанинг, ҳар лаззатнинг масдори шу;
Коннотнинг хазинаси, гавҳардир ишқ!

* * *

Қайси кўнгил, асири ҳижрон бўлмас экан—
Жонон васлидан унга имкон бўлмас экан.
Бу оламда қандай дард бўлса даво топилар
Вале маҳбуб дардига ҳеч дармон бўлмас экан.

# КЎНГИЛ КЎПРИГИ

Озарбайжон халқи билан ўзбек халқи ўртасидаги дўстлик илдизлари чуқур. Айниқса бу дўстлик адабиёт соҳасида ўзининг ёрқин саҳифаларига эга. Бу икки халқ маънавий бойлигидан асоси бўлган адабий алоқалар ўз мазмуни эътибори билан жуда мароқлидир. Бу алоқалар тарихининг илк варақларида ўзбек адабиётининг классики Алишер Навоийнинг номи алоҳида ўрин тутади.

Ўзбек халқининг Алишер Навоий, Ҳайдар Хоразмий, Ҳилолий, Отоий, Лутфий, Саккокий каби шоир ва олимлари озарбайжон адабиётининг фахри бўлмиш Низомий Ганжавийнинг ижод булоқларидан баҳраманд бўлганлар. Бу ижодкорлар ўз асарларида ўлмас «Ҳамса» автори Низомийни «назм аҳлининг энг фасоҳатли соҳиби, шеър мулкининг ҳукмдори» деб таъриф қилганлар ва ижодларининг равнақ топишида озарбайжон шеър чамани нашидаси ўзбек шеър бўстонига ҳам етканидан мамнун эканликларини қайд қиладилар.

Шунингдек, озарбайжон халқининг Маҳаммад Фузулий, Қовси Табризий каби машҳур шеър устодлари ҳам ўзбек халқининг Лутфий ва Навоий каби шоирлари ғазалларига назиралар ёзганларини, муҳаммасларига тажрибандлар боғлаганларини кўрамиз.

Навоий озарбайжоннинг ижтимоий фикрларидан ва бой санъат ҳазинасидан ижодий фойдаланган. Шеър қудрати ва маҳорати билан яқин Шарқнинг санъат оламига машъал ёққан ўлмас Низомийнинг сиҳргар санъати XV асрда ўзбек шеъриятининг равнақ топишида ижобий роль ўйнаганини инкор қилиш мумкин эмас. Чунки Навоийнинг ўзи унинг ижодий камолотини кўрсатган «Ҳамса» асарига қўл уришдан олдин ёзган дебочасида устод Низомийнинг Хазинаси, шеър гавҳарларини излашда ҳасислик қилмаганини айтиб ўтади.

Чиндан ҳам жаҳон адабиёти ҳазинасида ноёб асарларидан бири— Навоий «Ҳамса»сининг шакл, услуб ва композиция эътибори билан озарбайжоннинг классик шоири яратган «Ҳамса» руҳига тўғри келиши ажабланарли ҳол эмас, албатта. Масалан биз икки шоирнинг «Ҳамса»сини ёнма-ён қўйиб кўз югуртирсак шу ҳолга дуч келамиз. Низомий ўз асарларини — «Махзанул асрор» («Сирлар ҳазинаси»), деган бўлса, Навоийда «Ҳайратул аброр» («Қалбларнинг ҳайрати»), Низомийда «Хисров ва Ширин» дейилса, Навоийда «Фарҳод ва Ширин», Низомийда «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал») бўлиб, Навоийда бу «Сабъаи сайёр» («Етти сайёра»), деб аталади, «Лайли ва Мажнун» ва «Искандарнома» асарларини ҳам икки улуғ ёзувчининг «Ҳамса»сида учратамиз. Бу асарлар кўринишда бир-биридан фарқ қилмайдиган, бир-бирини такрорлаган асарлардек кўринсаларда, улар чуқур текширилганда тамоман бир-бирларидан асосли суратда фарқ қилишларини, икки қалин асарда икки улуғ ёзувчининг шеър яратишдаги маҳорати ўзига хослик билан акс этганини кўрамиз.

XV асрда Алишер Навоий Ҳиротда ўзбек маданиятини ривожлантиришда жон куйдириб ишлаганликларини Озарбайжон китобхонлари яхши биладилар. Бу даврда Навоий машҳур санъаткор ва шоирларни, хаттотларни, рассомларни ўз атрофига тўплаб, Ҳиротни катта маданият марказига айланишига бош қўшади. Катта шеър кечалари, мушоиралар ўтказади. Бу мажлисларда Навоийнинг ўзи раислик қилганлиги тарихдан маълумдир. У бошчилик қилган адабий мажлиснинг шуҳрати яшин тезлигида яқин Шарқнинг кўп мамлакатларига ёйилди. Бу вазиятдан хабардор бўлган кўпгина озарбайжонлик шоир ва рассомлар Ҳирот шаҳрига келиб Навоийнинг адабий мажлисида ўз кучларини ва санъатларини намойиш қиладилар. Ана шу даврдан бошлаб озарбайжон адабиётида Навоий шеърларининг таъсири кучаяди. Шоир ўзининг «Фарҳод ва Ширин» асарида бу ҳақда ифтихор билан шундай деб куйлайди:

Шероз ҳам, Табриз ҳам менинг
еримдир,
Уерда шуҳратланган сўз
шакаримдир».

XVI асрда гўзал Табриз шаҳари озарбайжон маданиятининг марказига айланганди. Хиротда яшаб, ижод қилган кўпгина санъаткорлар, шу жумладан озарбайжонлик санъаткорлар Табризга келиб сарой атрофида яшай бошладилар. Ҳеч шубҳа йўқки, Навоий адабий мажлисига фаол қатнашган шоирлар ўзбек маданияти ва тилини чуқур ўрганиб олган эдилар. Ўзбек адабиёти ва маданиятининг обидалари, Навоийнинг чуқур мазмунли асарлари ва унинг ижодий қудрати озарбайжон адабиётининг гуллашига ҳам самарали таъсир кўрсатди.

Буюк озарбайжон шоири Маҳаммад Фузулийнинг ижодида Навоийнинг таъсири зўрлигини эътироф этиш керак. Фузулий «Лайли ва Мажнун» деб аталган шох асари бошидаги «Соқийнома»сида Навоийни ҳурмат ва муҳаббат билан тилга олиб унинг номини Низомий билан ёнма-ён ёзади. Фузулий Навоийни «Сўз гавҳари», «Фасоҳат соҳиби» деб қадрлайди.

Озарбайжон санъати ва адабиётининг Москвада бўлиб ўтган декадаси кунларида катта муваффақият қозонган «Чинор» ҳаваскор қизлар рақс ансамбли Озарбайжон медицина институти ҳузурида ташкил топган. СУРАТДА: ансамбль солистларининг бир группаси.

Шунингдек, Навоийнинг ижоди наср адабиётининг ўсишига ҳам кучли таъсир кўрсатди. Озарбайжоннинг атоқли шоири, рассоми ва тарихчиси Содиқ Бэй Афшор (1533 йил) Навоийнинг «Мажолисул нафоис» асаридан таъсирланиб ўзининг «Мажмаул Ҳавас» тазкирасини яратди. Ёзувчи бу асарида тил ва услуб жиҳатидан Навоийнинг асарига тўла тақлид этади. Бундан бошқа озарбайжон шоирлари ичида ўзбек тилида шеърлар яратган кўпгина шоирларни эслаб ўтиш мумкин. Бу— ўзбек адабиётига чексиз муҳаббат демакдир. Ҳатто Жафаргулли Оға отли озарбайжонлик бир шоир Навоийга чуқур ҳурмат сақлаб, Навоийга эргашиб «Наво» деб таҳаллус қўйишнинг ўзи ҳам бу икки халқ адабиёти эгизак адабиёт эканлигини кўрсатмайдими?

XIX асрда ўзбек ва озарбайжон адабиётидаги яқинлик яна ҳам кучайди. Бу даврда икки халқ адабиётида Навоий ва Фузулий ижодига тақлид ва улар мактабига шогирд бўлиш иштиёқи кучайди. Шунинг учун ҳам бу даврда яратилган озарбайжон адабиётида Навоий руҳини, ўзбек адабиётида Фузулий руҳини кўрамиз. Шунинг учун ҳам Озарбайжонда Алишер Навоийни ўз Низомийси, Фузулийси, Наботийси, Воқифи, Собири каби севишлари бежиз эмасдир. Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг қўлёзмалар фондида Навоий ва бошқа ўзбек шоирларининг энг қадимий ва қимматли асарлари қўлёзмалари сақланади. Навоий меросини ўрганаётган слимлар бор. Навоий асарларининг кўп қисми озарбайжон тилига таржима қилинган.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин партиямизнинг доно миллий сиёсати туфайли миллий республикалар маданияти янги мазмун кашф этиб, юксала бошлади. Шу даврдан бошлаб озарбайжон ва ўзбек халқлари ўртасидаги бошланган сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар мустаҳкамлана борди ва кенгайди. Айниқса кейинги йилларда ўзбек нефтчилари билан Боку нефтчиларининг дўстлиги ортди, ўзбек пахтакорлари билан озарбайжон пахтакорларининг мусобақаси яхши натижалар бермоқда. Икки республиканинг атоқли пахтакорлари бир-бирларига келиб дўстона маслаҳатлар бериб мамлакат хазинасига «оқ олтин» етказиб беришда ҳамкорликда ишламоқдалар.

Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзи ташаббуси билан бошланган иттифоқчи республикалар адабиёти ҳафталиклари бу дўстлигимизни яна ҳам мустаҳкамлашда катта роль ўйнамоқда. Ўтмишдаги каби ҳозирги кунларда ҳам ўзбек адабиётининг энг яхши намуналари озарбайжон халқининг мулки бўлиб қолмоқда.

Бир неча ўн йил давомида Озарбайжонда ўзбек халқининг классик ва ҳозирги замон шоирларининг кўпгина асарлари таржима қилиб босиб чиқарилди ва китобхонларга манзур қилди. Биз ўзбек китобхонлари ҳам озарбайжонлик кўпгина шоир ва ёзувчиларининг асарларини ўз тилида ўқиётганликларини эшитиб, ниҳоятда қувонамиз. Бу азалий дўстлигимизнинг мангулиги!

Озарбайжон совет ёзувчилари союзининг органи «Озарбайжон» журналининг бир неча сонида ўзбек ёзувчиларининг жуда кўп янги асарлари эълон қилинди. Тошкентда ўтадиган бизнинг адабиётимиз ҳафталиги муносабати билан «Шарқ юлдузи» журналида ва айрим китоб ҳолида озарбайжон шоирлари ва ёзувчиларининг янги асарларининг чоп қилиниши маданий алоқаларимизнинг мустаҳкамланишига яқиндан ёрдам беради.

Эртага Ўзбекистоннинг гўзал пойтахти Тошкентда бошланадиган озарбайжон адабиёти ҳафталиги икки қардош ва жондош халқнинг маданияти тарихида унутилмас воқеа бўлади. Бу дўстлигимиз абадийдир.

Аббосали САРОВЛУ

Озарбайжон ССР Фанлар академияси Шарқшуослик институтининг илмий ходими.

# СССРнинг СЎЗИ БИЛАН ИШИ БИР

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР:

## Совет Иттифоқи тинчликка астойдил интилаяпти

*ПЕКИН* Синьхуа агентлигининг хабар беришича, Хитой газеталари бугун СССР Министрлар Совет Раиси Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети сессиясида Совет Иттифоқининг ўз қуролли кучларини бир ўзи яна қисқартиши тўғрисида қилган докладини шарҳлашни давом эттирмоқдалар. Газеталар Совет ҳукуматининг бу тадбири Совет Иттифоқининг тинчликка астойдил интилаётганлигини исботлайдиган янги далилдир, унинг бу тадбирини хитой халқи ва бутун дунёдаги халқлар қувватлайдилар, деб якдиллик билан таъкидламоқдалар.

«Гуанмин жибао» газетаси ўз шарҳларида Совет ҳукуматининг бу жуда муҳим тадбири ягона бир тадбир эмас, балки Совет Иттифоқининг тинчлик ташқи сиёсатидаги муҳим звеноларидан биридир, деб ёзади.

Газета Н. С. Хрушчевнинг, агар бирор тентак бизнинг давлатимизга ёки бошқа социалистик давлатларга ҳужум қилинишига сабаб бўлса, у ҳолда бизга ҳужум қилган мамлакатни ёки мамлакатларни ер билан яксон қила олур эдик, деган сўзларини келтириб, бу сўзлар «зўравонлик позицияси»га тиш-тирноқлари билан ёпишиб олган империалистларни ҳушига келтирадиган ва ўз вақтида қилинган огохлантиришдир, деб таъкидлайди.

Совет Иттифоқи тинчликни сақлашга ва мустаҳкамлашга қаратилган бирор муҳим таклифни илгари сурганда, деб ёзади «Чжунго цинянь бао» газетаси, АҚШдаги ва бошқа ғарбий мамлакатлардаги сиёсатчилар ва буржуа матбуоти ҳар сафар буни албатта «пропаганда» деб атайдилар. Ҳозир ҳам улар Совет Иттифоқининг ўз қуролли кучларини бир ўзи камайтириши ҳақидаги янги қарорини «пропаганда» деб атамоқдалар. Газета бундай деб савол беради: Совет Иттифоқининг ўз қуролли кучларини 1 миллион 200 минг киши камайтириш ҳақидаги қарори фақат «пропаганда» экан, нима учун АҚШ ҳам шундай қилмайди?

Совет Иттифоқи жаҳонда энг яхши замонавий қуролга эга бўлганига қарамай, деб давом қилади газета, бу қуролдан «зўравонлик позицияси» сиёсатини ўтказиш учун фойдаланмайди, балки қуролсизланиш учун қатъий кураш олиб бормоқда, бу эса Совет Иттифоқининг тинчликни астойдил ҳимоя қилаётганлигини кўрсатади.

«Цзэфанцзюнь бао» газетаси бундай деб ёзади: Совет Иттифоқининг тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатиш манфаатларини кўзда тутиб кўрган янги тадбирига қарамақарши суратда АҚШ бошлиқ Ғарб мамлакатлари ўз қуролларини тинмай кўпайтирмоқдалар ва ҳарбий блокларни ҳамма чоралар билан кучайтирмоқдалар.

## ТИНЧЛИККА БИРДАН-БИР ЙЎЛ

*БАҒДОД* «Аззамон» газетаси СССР Олий Совети сессиясининг қарорларини «Қуролсизланиш — тинчликни мустаҳкамлаш учун бирдан-бир йўлдир» деган сарлавҳа билан шарҳлаб бермоқда.

СССР Министрлар Совет Раиси Америкага қилган сафаридан ва бу ерда ёпшасига ва батамом қуролсизланиш планини илгари сурганидан кейин, деб ёзади газета, барча мамлакатлардаги сиёсий арбоблларнинг кўпчилиги Совет ҳукумати бошлиғининг тинчлик йўлидаги бу янги ташаббусини табриклади. Дуруст, Хрушчевнинг қуролсизланиш тўғрисидаги таклифини амалий заминга эга бўлмаган фақат бир пропагандистик найранг деб билган кишилар ҳам топилди. Аммо ҳозир, СССР ўз қуролли кучларини бир ўзи камайтириш тўғрисида қарор қабул қилганидан кейин, ёпшасига қуролсизланиш плани совет томонидан амалий равишда исботланди.

«Алахбор» газетаси бундай деб ёзмоқда: «Совет бош министрининг кейинги нутқи юксак доирада кенгаш чақиришга тайёргарлик кўрилишига кучли ижобий таъсир кўрсатади. СССР ўзининг тинчликка бўлган интилишини амалда яна бир марта таъкидлади».

## СССР Олий Советининг мурожаати Хитой Халқ Республикаси ҳукуматига топширилди

*ПЕКИН* 17 январда Пекинда СССР нинг Хитой Халқ Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси С. В. Червоненко Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг 1960 йил 15 январда жаҳондаги ҳамма давлатларнинг парламентларига ва ҳукуматларига қарата қабул қилган мурожаатини Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Чжан Хань-фуга топширди.

## „Барча қитъаларнинг кишилари совет халқларидан миннатдор„

*ТИРАНА* Албания жамоатчилиги ва матбуоти Совет ҳукуматининг янги тинчликсевар ҳаракати — Совет Иттифоқи Қуролли Кучларини яна анча қисқартириш тўғрисидаги қонунни ва СССР Олий Советининг жаҳондаги ҳамма давлатларнинг парламентларига ва ҳукуматларига қарата чиқарган Мурожаатини қизғин шарҳлашни давом эттирмоқдалар. Бугун чиққан газеталарнинг ҳаммаси ана шу ҳужжатларга бағишлаб бош ва редакцион мақолалар, шунингдек меҳнаткашларнинг ана шу ҳужжатлар юзасидан билдирган жуда кўп фикрларини ва сўзлаган нутқларини босиб чиқарганлар.

«Қуролли кучлар сонини анча миқдорда камайтириш тўғрисида Совет Иттифоқи томонидан қабул қилдинган янги қарор, — деди Албания ёзувчилар ва санъат арбоблари союзининг раиси Димитер Шутерити, — бу, урушга ва уруш оловини ёқувчиларга қарши бериладиган янги зарбадир. Н. С. Хрушчевнинг сессияда қилган доклади мустаҳкам тинчлик ҳамда давлатларнинг тинч-тотув яшашлари учун янги умидлар туғдиради.

«Башкими» газетаси СССР Олий Совети сессияси ишининг якунларини шарҳлаб, бош мақолада қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: Қуролли кучларни Совет Иттифоқининг бир ўзи камайтириши ана шу мамлакатнинг халқаро кескинликни юмшатишга ва қуролсизланиш масаласини ҳал этишга, барча инсониятнинг тинч келажагини таъминлашга, бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш ва уни сақлашга астойдил бел боғлаганлигидан далолат бериб турибди.

Совет Иттифоқи ленинча тинчлик сиёсатини муттасил ва садоқат билан амалга ошира бориб, деб ёзади «Люфтетари» газетаси ўзининг бош мақоласида, тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамкорлик учун курашишла яна бир марта катта ўрнак кўрсатди. Барча қитъаларнинг кишилари ўзларининг ҳаётини, жаҳон маданияти ва цивилизациясини ҳимоя этиш учун қилган ва қилаётган ҳамма ишлари учун совет халқидан, Коммунистик партиядан ҳамда Совет ҳукуматидан абадий миннатдордирлар.

## ТАРИХИЙ АКТ

*СОФИЯ* Болгария телеграф агентлиги хабар беради. Болгария халқ республикаси пойтахти партия активининг 15 январда бўлган йиғилишида Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Тодор Живков халқаро ва ички аҳвол тўғрисида доклад қилди. Т. Живков ўз докладида Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети тўртинчи сессиясида қилган докладига катта эътибор берди.

У шуни қайд қилиб ўтдики, СССР қуролли кучлари сонини янада камайтириш соҳасида Совет ҳукумати кўраётган тадбирлар тарихий аҳамиятга эга бўлиб, ёпқасига ва батамом куролсизланиш идеясини амалга ошириш йўлида қўйилган катта амалий қадамдир.

## ЯХШИЛИККА ДАЪВАТ

*БЕРЛИН* Германия Коммунистик партияси Марказий Комитети СССР Олий Советининг Совет қуролли кучларини яна анча камайтириш тўғрисидаги қарори муносабати билан баёнот эълон қилди. «Дейчер фрейхейсзендер 904» радиостанцияси орқали эшиттирилган бу баёнотда Ғарбий Германия аҳолиси оммавий ҳаракат қилиб, Аденауэр ҳукуматини Ғарбий Германияда зўр бериб қуролланишни тўхтатишга мажбур қилишга даъват этилади.

Баёнотда Аденауэр ўн йилдан бери «зўравонлик позицияси сиёсатини» ўтказиб келмоқда, халқаро кескинликни юмшатишга қарши ва Германия Демократик Республикаси билан ҳамжиҳатликка қарши чиқиб келмоқда, дейилади. Ҳозирги кунда бундай сиёсат ҳар қачонгига қараганда беҳуда ва авантюристик сиёсат бўлиб қолди.

## АҚШДАН КЕЛГАН МЕҲМОН

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзининг меҳмони сифатида СССРда саёҳат қилиб юрган Америка-Совет дўстлиги миллий кенгашининг директори Ричард Морфорд Тошкентга келди.

18 январда, Ўзбекистонга келган биринчи кунида Ричард Морфорд чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятининг раҳбарлари билан учрашди. Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

## АДОЛАТ ЮРТИГА ҚОЧИБ ЎТМОҚДАЛАР

БЕРЛИН, 18 январь. (ТАСС). «Нейес Дейчланд» газетасининг билдиришига қараганда, 1959 йил давомида 63.076 киши Ғарбий Германиядан Германия Демократик Республикасига қочиб ўтган. Бу миқдор — ўтган йилда Германия Федератив Республикасидан Германия Демократик Республикасига қочиб ўтган кишиларнинг сонидан 17 процент кўпдир.

Ғарбий Германиядан қочиб ўтган кишиларнинг ярмидан кўпроғини, деб уқтириб ўтади газета, ишчилар ташкил қиладилар. Германия Федератив Республикасидан қочиб ўтганлар ичида бундесвер сафларида хизмат қилишдан бош тортган армия ёшидаги кўпгина ёшлар бор.

## Киси АҚШга жўнади

ТОКИО, 16 январь (ТАСС). Токио радиосининг хабар беришича, Япония-Америка «Хавфсизлик шартномаси» ни қайта кўриб чиқишга қарши чиқаётган жамоат ташкилотларининг кескин норозилигига қарамай, бош министр Киси бошчилигидаги делегация ана шу шартномани имзолаш учун бугун Вашингтонга жўнаб кетди.

## ШАШКА
### ТУҚҚИЗИНЧИ ТУР

Хейф—Берштейн учрашуви дуранг бўлди. Гуляев пухта ўйнаб Еқубовга нисбатан устунроқ ҳолда ўйинни кечиктирди. Каншчикер ўйиннинг бошида Черкасскийга нисбатан яхшироқ позицияга эришди, кейинчалик Черкасский аҳволни тенглаштириб олди, лекин пухта ўйнай олмасдан таслим бўлишга мажбур бўлди.

Давидов—Александров учрашуви жиддий курашлар билан ўтди ва дуранг бўлди. Раппопорт Коганни, Мирзаев Китаевни ютди.

Якшанба куни тугалланмаган партиялар ўйналди. Хейф Каниш-чикер устидан, Гуляев Ўгай устидан галаба қозондилар. Қолган ўйинлар дуранг бўлди.

Тўққиз турдан кейин 6,5 очко олган Л. Хейф биринчи ўринда бормоқда. Ш. Еқубов, С. Гуляев, И. Берштейн ва Б. Каниш-чикер 6 тадан очко олишди.

Е. ЧЕРКАССКИЙ.

## *БУГУН ТЕЛЕВИЗОРДА*

16.30 — Тошкент аэропортидан олиб кўрсатилади. 19.30 — **«Икки айиқ боласининг саргузашти»** деган ҳужжатли фильм 19.50 — сўнгги ахборот. 20.10 — рус тилида адабий эшиттириш. **«К. Симонов студиямизда».** 20.30 — **«30 кун Америкада»** деган ҳужжатли фильм— 21.30 — **ўзбек тилида чорвадорлар учун эшиттириш ва концерт.**

«ИНГИЧКА» КОНИ ШАХТЁРЛАРИ БУШ ВАҚТЛАРДА.
И. Душкин фотоэтюди.

## ҚАЧОНГАЧА?

Марғилонликлар Сайдали Мансуровни «тегирмонга тушса, бутун чиқадиган одам» дейишади. Мансуровнинг ҳаёт йўлига назар солсангиз, бу гапда жон бор эканлигини кўрасиз. Рост-да, у неча марталаб жиноят қилади, ишдан суриладди, қамалиб ҳам чиқади. Лекин ёру дўстларининг ёрдами билан яна бирон дурустроқ ишга ўрнашиб олади-да, жиноятни келган жойидан бошлаб кетаверади.

У навбатдаги қоқилишдан кейин собиқ Ёзёвон районидаги қишлоқ магазиналиридан бирига мудир бўлиб олди. Ўзи Ёзёвонда ишлайди-ю, мол сақлайдиган омбори Марғилонда. Пайчилар учун келган жун рўмол, бахмал, тикув машиналарини шу омбордан чайқовчилар орқали «сув» қилаверди. Ниҳоят, милиция ходимлари ва халқ дружинаси аъзолари уни жиноят устида қўлга туширдилар.

Ҳамма «энди Мансуров савдо ишига йўлатилмаса керак» деб юрган эди. Қаёқда дейсиз! Бир шўнғиб, сувдан қуруқ чиқди-да, район матлубот жамияти раисининг савдо ишлари бўйича ўринбосари бўлиб олди!

Икки шингил гапни Мансуровнинг шу вазифада қилган кирдикорларидан эшитинг:

Ўтган йил тўртинчи кварталида райондаги чойхона, ошхона, новойхоналар бир неча кунлаб ишламади. Чунки улар учун келтирилган 15 тонна кўмир Мансуровнинг ҳовлисига туширилган эди.

Бундан илгарироқ — июнь ойида «Ўзбекбирлашув» ЭЗ-наряд билан махсус контейнерда ҳар хил гилам, енгил машиналарнинг баллонлари ва шу каби камёб моллар жўнатган эди. Мансуров бу молларни зим-зиё қилиб юборди.

Мансуровнинг порахўрлик касали ҳам бор. У маҳсулот тайёрлайдиган ларек мудири Ҳусанбой Раҳимовдан 10 та жун рўмол учун 425 сўм пора олди. Яхши мол оламан, деган бошқа дўкон мудирлари ҳам аввал Мансуровга бир «муомила» қилиб қўйишлари керак.

Мансуровнинг бу қилмишлари тезда ҳаммага аён бўлиб қолди. Унинг ножўя ишлари бошлангич партия ташкилотида муҳокама қилинди, ўзи айбларига иқрор бўлди. Жамият правлениесининг мажлиси ўни ишдан бўшатишга қарор қилди. Лекин кимгадир ёқиб қолган эканми, ҳали иссиқ ўрнини совутгани йўқ. Қачонгача шундай бўларкин?

М. ЭШОВ.

## ПРАВДА ВОСТОКА

Биринчи бетда «Совет халқи ўзининг коммунистик истиқболига тўла ишонч билан боқмоқда» деган умумий сарлавҳа остида СССР Олий Совети IV сессиясининг қарорларига бағишланган материаллар ёритилган. Саҳифада Озарбайжон адабиёт ва санъати вакилларининг Тошкентга келиши тўғрисида хабар босилган.

Иккинчи бетда «Ватанга берган ваъдамиз янги ютуқларга чорлайди» сарлавҳали подборка, Учинчи бетда В. И. Ленин туғилган кунинг 90 йиллиги олдидан материаллар берилган

## УРТА ОСИЁДА ЭНГ КАТТА БОТАНИКА БОҒИ

САМАРКАНД. 18 январь (ЎзТАГ). Шаҳарда Ўрта Осиёда энг катта ботаника боғи барпо қилиш соҳасидаги ишлар бошланди. 50 гектарлик майдонда ер юзидаги ўсимликлар бойлигини кўрсатадиган бир қанча зона жойлаштирилади.

Европа зонасида яқин орада оқ қайин, катта дуб дарахтлари ўсади. Ольха дарахтларининг шохлари сунъий кўллар устида бирикади. Шунинг ёнида Ўрта Осиё, Узоқ Шарқ, Хитой, Америка зоналари жойлашади. Ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлар участкаси, жуда кўп гулхоналар барпо қилинмоқда.

Янги ботаника боғини ташкил этиш учун шу йилнинг ўзидаёқ бир миллион сўм ажратилди. Бу боғ Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университетининг илмий базаси ва Зарафшон водисидаги колхоз ва совхозлар учун кам учрайдиган ўсимлик дунёси намуналарининг кўчатзори бўлади.

## *БУХОРО МАҚОМЛАРИ*

*«Ўзбек музикаси» тўпламининг бешинчи томи босилиб чиқди. Бу томга халқ артисти Юнус Ражабий ёзиб олган Бухоро мақомлари киритилган. Музикашунослардан И. Акбаров ва Ю. Конларнинг муқаддимасида ўзбек халқи музика маданиятининг ажойиб ёдгорлиги бўлган бу асарларга характеристика берилган. (ЎзТАГ).*

## Газета ходимларининг семинари

Тошкентда республика, область газеталари ва журнал, радио қишлоқ хўжалик бўлими мудирларининг семинар машғулотлари бошланди. Семинарда республикамизнинг министрлари, кўзга кўринган олимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва тажрибали журналистлари лекция ўқийдилар. Семинар қатнашчилари кўпроқ газеталарнинг иш тажрибалари билан ўртоқлашадилар ва экскурсияларда бўладилар.

## Тошкент ЯНГИЛИКЛАРИ

▲ **Бутуниттифоқ пионерлар лагери—«Артек»ка Ўзбекистондан борган 30 ўқувчи пионер яхши дам олиб қайтиб келди. Болалар уйларида тарбияланаётган бу аълочи ўқувчилар Қора денгиз соҳилларида дунёнинг турли мамлакатларидан келган болалар билан дўстлашдилар, альбомлар ишладилар.**

**Яқинда яна лагерга 30 га яқин энг яхши ўқувчи пионерлар дам олгани юборилади.**

▲ **Куйбишев шаҳри мактабларида пионер ишларининг қўйилиши билан танишган шаҳар пионер ва комсомол ходимлари Тошкентга қайтиб келдилар. Улар Куйбишев шаҳрида бир ҳафта бўлиб, мактабларда, пионер уйларида, фабрика-заводларнинг комсомол ташкилотларида бўлдилар, ўзбек ёшларининг саломини дўстларга топширдилар. Улар у ердан кўп нарсалар ўрганиб қайтдилар.**

Редактор ўринбосари
Қ. УЗОҚОВ.

## Жаҳон Тинчлик Кенгаши президиумининг баёноти

ЛОНДОН, 16 январь. (ТАСС). Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президиуми Америка Қўшма Штатлари президенти Эйзенхауэрга мактуб юборганини билдирди. Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президиуми бу мактубда Эйзенхауэрни ядро қуроли синовлари мораторийсидан воз кечиш тўғрисидаги қарорини қайта кўриб чиқишга ва лоақал ядро синовларини ҳукумат бошлиқларининг шу йил 16 майга белгиланган кенгашига қадар бошламасликка чакиради.

Мактубда бундай дейилади:

«Азиз президент жаноблари,

Ўтган йил давомида халқаро кескинликни юмшатиш ишига Сиз ажойиб ҳисса қўшдингиз, бунинг натижасида давлатлар бошлиқларининг 16 майда учрашуви тўғрисида тегишли келишувга эришилди. Мана шу ишлардан кейин Сизнинг ядро қуроллари синовлари тўғрисидаги масала юзасидан 29 декабрда қилган баёнотингизни биз чуқур афсусланиб билдик.

Биз инспекция методлари тўғрисидаги масалада тафовутлар ҳал қилинмасдан қолишига қарамай, Америка ҳукумати ядро қуроли синовларини бошлаб юбориш учун ўзини ихтиёрли деб ҳисоблаши тўғрисидаги баёнот ядро синовларини ўхтатиш тўғрисидаги масала юзасидан, шунингдек март ойида бошланиши лозим бўлган қуролсизланиш комитети кенгашининг муваффақиятини хавф остида қолдирмаслиги мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз.

Баёнотингиз ҳафсаланинг пир бўлишига ва дунё, ниҳоят, тинчлик ва қуролсизланиш йўлига кирди, деб умид боғлаган инсониятнинг ғоят катта кўпчилиги унга синовларнинг яна бошланиш хавфи ва тўхтовсиз зўр бериб қуролланиш перспективаси таҳдид қилади, деб ҳисоблаётганлиги Сизга бутун дунёдаги жамоатчилик фикрининг реакциясидан маълум бўлса керак.

Сиз ўз баёнотингизда далил қилиб келтирган қийинчиликлар, биз таъкидлаб ўтишга журъат этганимиздек, техникавий характерга қараганда, кўпроқ сиёсий характерга эгадир. Яхши ният ва ўзаро ишонч бўлганида бу қийинчиликларни музокаралар олиб бориш йўли билан бартараф этиш мумкин бўлур эди, бу музокаралар ҳатто чўзилиб кетган тақдирда ҳам, илгариги ҳолатдан бари бир анча яхшироқ бўлган бўлур эди. Илгариги ҳолатда ядро қуроли синовлари батамом назоратсиз ўтказилиб келган эди.

Биз Сиздан ўз баёнотингизни қайта кўриб чиқишни ва Қўшма Штатлар ана шундай синовларни ҳукумат бошлиқлари кенгашига қадар бошлаб юбормаслик тўғрисида ваъда берган ҳолда, шу баёнотни ҳеч бўлмаганда ўзгартиришни Сиздан ғоят қатъий сўраймиз, бу кенгашда ядро уруши хавфига абадий барҳам бериш мумкин бўлар деб ишонамиз.

Сизга самимият билан,
Ж. Бернал, — Президиумнинг ижрочи президенти
Эммануэль д' Астье де ла Вижери (Франция)
Изабелла Блюм (Бельгия)
Лоран Казанова (Франция)
Альберто Касселья (Аргентина)
Эжени Коттон (Франция)
Илья Эренбург (СССР)
Жеймс Эндикотт (Канада)
Вальтер Фридрих (Германия Демократик Республикаси)
Иоситаро Хирано (Япония)
Леопольд Инфельд (Польша)
Сайфуддин Китчлу (Ҳиндистон)
Александр Корнейчук (СССР)
Велио Спано (Италия)
Пандит Сундерлал (Ҳиндистон)
Антуан Табет (Ливан)
Фернандо Таржетти (Италия)».

## „Коспар" тугади

*ПАРИЖ* Космосни ўрганишга бағишланган биринчи халқаро конференция («Коспар») Ниццада ўз ишини тамомлади. Конференция ишида жаҳоннинг турли мамлакатларидан, шу жумладан Совет Иттифоқидан 208 олим қатнашди. Охирги мажлисда ўтказилган тадқиқотларнинг илмий натижаларини айирбошлашни кўзда тутадиган резолюциялар, шунингдек «Коспар» қатнашчиси бўлган барча мамлакатлардан олинадиган илмий асарларни эълон қилиш тартиби қабул қилинди.


**ТЕАТР**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА —19/I да Холисхон, 20/I да Хуррият.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/I да Азиз ва Санам

**КИНО**

**Кўприкдаги одамлар** — «ВАТАН», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2, 4 ва кеч 8 да)

**Иристон ўғли** — СОБИР РАҲИМОВ номли, «ЕШ ГВАРДИЯ», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

**Насриддин Ҳўжандда** — СОБИР ҒАҲИМОВ номли (кундуз соат 4 ва кеч 8 да).

**Кубань казаклари** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, кеч 6.15 минут ва кеч 10 да).

**Юқори табақага кириш йўли** — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 1.35 минут ва кеч 8.40 минутда).

**Америка совет балетини олқишлайди** — КИНОЛЕКТОРИЙ (кундуз соат 12 да).

**Сукунат оламида** — КИНОЛЕКТОРИЙ (кундуз соат 1 ярим, 3 ва 4 яримда).

С. Н. Бергер ва В. И. Шаповаленконинг САҒУда 18/XII га белгиланган
диссертацияларини ёқлаш
1960 йил 20 январга кўчирилди
ва кундуз соат 3 да 133-аудиторияда бўлади (К. Маркс кўчаси, 35-уй).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
20 январдан
янги программа
Пахта байрамига бағишланган парад-пролог.
АЙИҚНИНГ РАКЕТАДА УЧИШИ
ва РСФСР халқ артисти В. И. Филатов қўл остида
«Айиқлар цирки»
гастролининг давоми.
Томоша кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Горплан томонидан 1959 йилнинг 1 ва 2-кварталига берилган
кўмир ордерлари
16 январдан бошлаб, 1959 йилнинг 2-ярмига берилган ордерлар эса
1960 йил 1 февралдан бошлаб
бекор қилинади
«Узтопторг»нинг
Куйбишев шоссеداги ҳамда Октябрь район. Уста Ширин кўчасидаги (6-троллейбуснинг охирги остановкаси)
ЕҚИЛҒИ СКЛАДЛАРИДА
1959 йилнинг 2-ярмига берилган ордерлар бўйича
КЎМИР
ва ордерсиз ўтин, саксовул сотилади.

Самарқанд шаҳар, К. Маркс кўчаси, 48-уйда турувчи **Александр Степанович Денисовнинг** Тошкент шаҳар, Ш. Руставели кўчаси, 188/17-уйда турувчи Галина Ефимовна Денисовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район, 2-участка халқ судида кўрилади.

Кундуз соат 3 да, Тошкент давлат медицина институти даволаш ва стоматология факультетларининг илмий совети мажлисида куйидагилар
диссертация ёқлайдилар
1960 йил 3 февралда
**П. П. Толок** — биология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Қон сиророткасидаги оқсил моддаларини енгил ва оғир металлар тузи билан фракциялаш» деган темада.
1960 йил 10 февралда
**Р. М. Нурмуҳамедов** — медицина фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Бош суяги травмасининг ўткир давридаги баъзибир гемодинамик ўзгаришлар» деган темада
Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРГА
театр билетларини сотувчи
район кассирлари
КЕРАК
Адрес: Бируний майдони (Бешёғоч). Иш соатларида учрашилсин

Чиланзор массив кўчаси, 25-уй, 4-квартирада турувчи **Рива Ефимовна Уманскаянинг** Демьян Бедний кўчаси, 13-уйда турувчи Исаак Яковлевич Львовичдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район, 5-участка халқ судида кўрилади.

Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек давлат академик драма театрининг дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Муҳаммад Умарҳўжаевга отаси
Сандикром САИДХОНОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЯТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: партия турмуши ва маҳаллий матбуот — 27604, Пропаганда ва чет эл ҳаёти — 31226, Совет қурилиши — 27604, Қишлоқ хўжалиги — 34455, Саноат — 34524, Адабиёт ва санъат — 32036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524, Маҳаллий ахборот — 34780, Оммавий ишлар ва хатлар — 39005, Секретариат — 33469, 32347, Эълонлар — 28142, Коммутатор — 36334, 33262.

Р. 02527. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А. — № 15.